

Bahodir KARIM



# ИККИ ДАХО - ИККИ БЕВАНО

---

ИККИ ДАХО - ИККИ БЕБАХО

**IKKI DAHO – IKKI BEBAHO**

**(BOBUR VA QODIRIY)**

**Bahodir KARIM**

**Toshkent- 2020**

UO'K 821.512.133.09

KBK 83.3(5O')

K 25

Adabiyotshunos Bahodir Karimning ushbu risolasida Abdulla Qodiriyning mashhur “O’tkan kunlar” romanining ildizi, xususan, Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asari bilan bog’liq noyob adabiy qirralari yoritilgan. Risoladagi qiyosiy talqinlar keng o’quvchilar ahliga ma’qul kelishidan umidvormiz.

Taqrizchi: Abdulla Ulug’ov, filologiya fanlari nomzodi, dotsent

UO'K 821.512.133.09

KBK 83.3(5O')

ISBN 978-9943-07-741-6

© Bahodir Karim, 2020.

© «O’zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Davlat ilmiy nashriyoti, 2020.

## **MITTI MUQADDIMA**

Abdulla Qodiriy romanlarining betakror jozibasi, tilidagi go'zallik, obrazlilik, aniqlik, tasviriylik - bu fazilatlar hozirgacha hammani hayratga solib keladi. Adibning badiiy mahoratini, asarlari umrboqiyligini barcha birdek e'tirof etadi. Zero, bunday betakror poetika quvvatning ildizi, yuzaga kelish omillari hamda ta'sir asoslarini kuzatish foydalidir. Abdulla Qodiriy dunyo adabiyotini, o'zbek xalqining milliy ruhini, folklorini, shevalarining leksik boyligini chuqur bilgani. XX asrning 20-yillarda qayta shakllangan zamonaviy o'zbek adabiy tili uchun beqiyos xizmat qilgani haqiqat. Adibning "O'tkan kunlar" romani boshida tilga olingan "Tohir – Zuhra", "Chor darvish", "Farhod va Shirin", va "Bahrom go'r" kabi ko'plab mumtoz asarlarni o'qiganiga ham shubha yo'q, albatta.

## **“BOBURNOMA” O‘QIYOTGAN OTABEK**

“O’tkan kunlar” romanining “Majburiyat” faslida shunday epizod bor: “Kechlik oshni o’tkazgach, Hasanali o’z hujrasidan kiyinib chiqdi-da Otabek yonig‘a kirdi. Otabek “Boburnoma” mutolaasi bilan mashg‘ul edi”. Hasanali asil niyatini bildirmay “hammomga borish” uchun ruxsat so‘raydi. Otabek ko‘zini kitobdan uzmay: “Yumishim yo‘q, boraveringiz”, deb javob beradi.<sup>1</sup> Mashhur kitoblar orqali qahramonni baland maqomga ko‘tarish, ularning ma’naviy olamiga urg‘u berish, aniq detal vositasida obrazga mahobat bag‘ishlash dunyo adabiyotida ham, o‘zbek mumtoz adabiyoti tarixida ham, shuningdek, Abdulla Qodiriy ijodiy biografiyasida ham mavjud adabiy hodisadir. Otabekning “Boburnoma” mutolaasi “O’tkan kunlar” ildizi ustida fikrlashga, tasvirdagi ichki manera, so‘zdagi rostlik, xarakter mantig‘i, inson shakli-shamoyili, ayniqsa, romanning poetik nutqi - tili to‘g‘risida ayrim mulohazalar aytishga

<sup>1</sup>Abdulla Qodiriy “O’tkan kunlar”. G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti –T.: 1994-y, 37-38-betlar (Keyingi ko‘chirmalar shu manbadan olinadi va saxifa raqami ko‘rsatiladi.)

imkon beradi. Tasavvur ko'lami "Boburnoma" matnistoni bo'ylab kengayadi. Adib boshqa asarlarida ham bu muazzam kitob va uning egasini eslaydi. Boburga "fotih" – fath etuvchi sifatini beradi; "Boburnoma"ni: "Boburning keng ruhlik, o'z zamonig'a ochuq fikrlik..." kitobi, deydi. Qurdoshlari bilan bahslashgan bir masalada "Boburnoma"dan "dalillar keltirmak"ka chog'lanadi. Tarixiy manbalardan ma'lumki, qatog'on – "dapsan" yillari Abdulla Qodiriy ikkinchi marta qamoqqa olinganida kutubxonasi dagi yetmishdan ortiq arab imlosida yozilgan mumtoz kitob yig'ishtiriladi. Shular qatori "Boburnoma"ning olib ketilgani aniq.

Xo'sh, nega Abdulla Qodiriy va "O'tkan kunlar" mavzusidagi fikr yo'li Bobur va "Boburnoma" tarafga burilmoqda? Nima uchun Qodiriy ijodidan, asarlari, tarjimayiholi, xotira kitoblari, qodiriyshunoslarning asarlaridan Bobur va "Boburnoma"ni izlab qoldik? To'g'risi, real voqeylek zamirida tug'ilgan mitti intuitsiya – ichki sezim yangi fikrga zamin hozirlaydi; odam beixtiyor tafakkur oftobida pishib yetilgan bitta mulohazani dalillash va unga boshqalarni ishontirishni istaydi. Adabiyotshunoslik Abdulla Qodiriy romanlarining shuhratি, ta'sir kuchi,

<sup>1</sup>Abdulla Qodiriy "Diyorı bakr". –T.: "Yangi asr avlodи" nashriyoti. 2007-y, 106-bet.

tasvir tiniqligi, tilining go'zalligiga urg'u berdi. Endi bunday fazilatlar ildizini ham tadqiq etish lozim. Iste'dodli adibning o'zbek, rus va jahon adabiyotidan, xalq og'zaki ijodi va xalqning jonli tilidan bahramand bo'ldi. Bunga shubha yo'q. Fikrimcha, ushbu bahramandlik ildizining bir qirrasi "Boburnoma"ga borib taqaladi. Shuning uchun "Boburnoma" bilan "O'tkan kunlar" orasidagi poetik bog'lamni(bog'ichlarni) taqqoslashga zarurat seziladi. Abdulla Qodiriy epik tafakkur tarzi, nasrining badiiy jozibasi, go'zal tili qup-quruq sahroda o'z-o'zidan paydo bo'lgani yo'q. Tekis sahroda haybatli tog' o'sib chiqishi uchun o'sha yer ostida qaynoq vulqon buloqlari bo'lishi shart. "O'tkan kunlar" romani uchun "Boburnoma" shunday buloqlardan biri vazifasini o'tagan bo'lsa ne ajab?!

### **"SO'Z URINDI, SO'ZDAN – SO'Z CHIQDI"**

"Ko'ch"ning ko'lami: Badiiy asaro qilib, adabiy matnga evrilar ekan, undagi semiotik elementlar – tovush, bo'g'in, so'z kabi uvoq unsurlar poetik g'oya va mantiq vositasida birlashib muhtasham semantik maydonni bino qiladi. Matn ichida so'z tiriladi, tovushlar jonlanadi; so'zning qadr-qiymati ortadi va ma'nosи kengayadi. Turli zamonda yashagan ikki adib qo'llagan nodir, ochqich-kalit so'zlarining

o'xhashligi, takrori va ma'no uyg'unligi tipologik-intuitiv taqqosga asos beradi. "Boburnoma" – ko'p ma'noli, serqatlam va o'lmas asar. "Bu muazzam asarning har bir satri haqida bittadan hikoya yozish mumkin"<sup>1</sup>. Darvoqe, "Boburnoma"da qo'llangan bir qancha nodir so'zлarni Abdulla Qodiriy "O'tkan kunlar"da ishlatadi; o'z o'miga tushgan jonso'z romanga joziba bag'ishlaydi. Bepoyon stilistik maydondagi bitta so'zning assotsiativ ta'siri oltin zanjir o'laroq asrlarni asrlarga, adiblarni adiblarga, asarlarni asarlarga bog'laydi.

Esga olamiz: Otabekning qutidor eshididan quvilib, Toshkentda nisbatan uzoq qolib ketgan kunlarining birida Hasanali undan Marg'ilonga ketmay yurishi sababini so'raydi. Otabek: "Havsala yo'q", degach: "Qayin otangiz ko'nsa, ko'chingizni olib kelsangiz ham ma'qul edi qatnab yurg'andan..." (283-bet), deya taklif aytadi. Bu o'rinda "ko'ch" – xotin, oila ma'nosida. O'zbek oyim Oftob oyim bilan Kumushga qarab: "Axir manim ham o'zimga yarasha obro'yim bor. Toshkandda kimsan, Yusufbek hoji deganning **ko'chiman**. Xudoyorxon ham bir kun kechasi kelib bizga mehmon bo'ldilar..." (325-bet), deb gina qiladi.

Aynan "Boburnoma"da ham "ko'ch" so'zi "oila, xotin" ma'nosida keladi. Bobur 1497-1498

<sup>1</sup>Xayriddin Sultonov "Boburning tushlari" – T: Gafur Gulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. 1993-y, 230-bet.

yil voqealarida yozadi: “Beklar va ichkilar va yigitlarkim, mening bila qolib edilar, aksarining **ko‘chlari** Andijonda edi”<sup>1</sup>. Boshqa misollarga qaraymiz: “Mening onamni va ulug‘ onamni va ba’zi mening bila qolg‘onlarning ko‘chlari bila Xo‘jandqa mening qoshimg‘a yibordilar” (52-bet); “Mening validalarim va ko‘ch va ulug‘larim men Andijondin chiqg‘andin so‘ngra yuz tashvish va mashaqqatlar bila O‘ratepa kelib edilar...” (77-bet); “Ushbu kun Mullo Alixonkim, Samarqandg‘a ko‘chini kelturg‘ali borib edi, kelib mulozamat qildi” (218-bet). “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da “ko‘ch” so‘zining “1. ko‘chish payti tashiladigan uyo‘zg‘or buyumlaridan iborat yuk” hamda “2. ahli ayoli, xotin (eriga nisbatan)” tarzida izohlangan<sup>2</sup>. Erining uyiga ota uyidan ko‘chib o‘tgani uchun ham o‘tmishda xotin “ko‘ch” deb atalgan.

Buyruq fe’lining “ko‘ch” shaklidan farqli o‘laroq hozirgi o‘zbek adabiy tilining ot so‘z turkumida “ko‘ch” yolg‘iz qo‘llanmaydi. Ko‘pincha

<sup>1</sup>Zahiriddin Muhammad Bobur “Boburnoma” – T: “Yulduzcha” nashriyoti. 1989-y, 52-bet (Keyingi ko‘chirmalar shu manbadan olinadi va sahifa raqami ko‘rsatiladi) Rus tiliga ham “ko‘ch” so‘zi “oila” (семья), “oila a‘zolari” (домочадцы) deb tarjima qilinadi. “Семьи большинства оставшихся при мне беков, внутренних приближенных и югитов находились в Андижане”. “Бабурнаме”. –Т. 1993 г, Стр.78).

<sup>2</sup>O‘zbek tilining izohli lug‘ati 5 jildlik O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi“ davlat ilmiy nashriyoti. 2 jild.–T.: 2006-y, 476-bet.

juftlashib “ko‘ch-ko‘roni” tarzida Lug‘atdagi izohning birinchi ma’nosiga mos ishlataladi.

Hozirda “ko‘ch” so‘zini “oila, xotin, bola-chaqa” ma’nosida ishlatish og‘zaki nutqda ham, yozma adabiyotda ham kuzatilmaydi. Tasavvurimizcha, “Boburnoma”dagi “ko‘ch”lar semantik jihatdan Abdulla Qodiriyning “ko‘ch”lariga uyg‘un keladi.

Otdan qo‘ngan odam. Bugungi o‘zbek adabiy tilida “qo‘nmoq” deganda, eng avval, qushlarning daraxtga qo‘nishi esga keladi. Shu o‘zak-masdardan yasalgan “qo‘noq” esa “mehmon”ni anglatadi. Har ikki so‘z ma’no-mazmunidan uchib kelib “qo‘nish” yoki yo‘lda ketayotgan odamning biror manzilda to‘xtashi “qo‘nish”i idrok etiladi. Bobur 1499-1500-yilgi voqealar bayonida: “Zilqa’dan oyida Samarqand ustiga cherik otlanib, ora ikki qo‘nub, Qubog‘a kelib tushtuk” (70-bet), deb yozadi.

To‘qqiz yuz to‘qqiz hijriy yil voqealari bayon etilgan sahifalarning biri. Kobulni “bejangu jidol” egallagan Bobur viloyat ta’rifidan keyin yozadi: “Sha’bon oyida oftob dalv burjida erdikim, Kobuldin Hinduston azimati bila otlanildi. Bodom chashma Jigdalik yo‘li bila ora olti qo‘nub Odinapur kelildi” (132-bet). “Boburnoma” matnida: “kechasi anda qo‘nub, tonglasi o‘rdug‘a keldim”, “orada bir qo‘nub”, “uch orada qo‘nub”, “ikki qo‘nub”, “ora

to'rt qo'nub" kabi so'z birikmalari ko'p uchraydi. Bunday ta'birlardan Boburning o'zi va unga yo'ldosh yo'lovchilarning istirohat manzili hamda harakat yo'nalishi tasavvur qilinadi.

Abdulla Qodiriy "O'tkan kunlar"da qahramonlarining qayergadir borib yetganini, "otdan qo'ngani", dam olib, so'ngra yo'lida davom etganini tasvirlaydi. "Qo'nish"lar soni ma'no tashiydi. Yo'l mashaqqati, oraliq masofa, hatto kayfiyatni ham ifoda etadi. Toshkent bilan Marg'ilonning ora yo'lida ko'p qatmagan Otabek odatda "to'rt marta ot dan qo'nib" manziliga yetib borar edi. Bu nisbatan qisqa fursat ekanini, har gal shitob bilan Kumush diydori uchun Otabekning shoshib borishini o'quvchi keyinroq fahmlaydi. Chunki Zaynabga uylanish gapi o'rtaqa chiqqach, Otabek Marg'ilonga "bu gal oltinchi qo'nishda" kirib boradi va "tevarakdan asr azoni eshitilgan vaqtida ot dan qo'nadi". Tabiiyki, ota-onal qilib qo'ygan "bir ish" Otabek ko'ngliga o'tirmaydi. Shu bois kayfiyati buzilgan, xayollari to'zg'igan Otabek yo'l bo'yi kelgusi turmushini, Kumushning yuzi-ko'ziga qanday qarashini o'ylab boradi. Otini o'z erkiga qo'yib beradi, Marg'ilonga shoshilmaydi... Romanning boshqa sahifalariga nazar tashlaymiz: "Darvoqe, qo'rboshi o'zining ikki yigitini bilan yetib keldi va otidan qo'nib jilovini yigitining qo'lig'a" berdi (67-bet); "Azizbek o'rda ichiga kirmakda ekan, Yusufbek hoji ot dan qo'nib

so'radi: – Menga ruxsatmi, bek?”(86-bet). “Otdan tushish” birikmasidan ko'ra ora-orada yozuvchi nutqida keladigan “otdan qo'nish” birikmasidan tarix muhiti – o'tmish koloritiga xos mazmunni anglash mumkin.

Umuman, “O'tkan kunlar” romanining poetik ildizi, jumladan, badiiy nutq ham shunday ko'z ilg'amas nafis bog'ichlar bilan “Bobumomaga” borib bog'lanadi. Zero yuqoridagi taqqoslarga mos ravishda “qopu”, “musaxxar”, “taraddud”, “yog'iy”, “muhosara”, “o'bdon”, “o'rda”, “qo'rg'on”, “tun-qator”, “xon”, “bek”, “navkar”, “oftobachi”, “miltiq”, “nayza”, “to'p”, “jarohat”, “isitma” kabi o'nlab tarixiy so'zlarga har ikki asardan yetarlicha misol topiladi. Umri jangu jadallar bilan kechgan shoh Bobur qo'shin, askar, urush anjomlari bayoni va urush san'ati tavsifida bunday so'zlarini tabiiy qo'llaydi. Ayni damda “O'tkan kunlar”da Abdulla Qodiriy bir millatning ikki urug'i – qorachoponlilar bilan qipchoqlar o'rtasidagi to'qnashuv va muhosaralarni tasvirlar ekan, o'zigacha salaflari ishlatgan so'zlardan juda tabiiy va o'rini foydalandi. Bunday so'zlar Abdulla Qodiriy romanlarida o'zbeklaming yaqin o'tmishdagi hayotining haqqoniy tasviri uchun xizmat qiladi. Matn ichidagi tirik so'z odamga tinchlik bermaydi: turlanadi, tuslanadi, tilsimlanadi, so'ng siri ochilib sochiladi. Deylik, mutolaa jarayonida “yomg'ir” va

“yov”, “qamal” va “qabiq” kabi o‘zaro uzoq so‘zlar yaqinlashadi, bir o‘zakda birlashadi.

## SHAKL VA SHAMOYIL TAVSIFI

Yozuvchilar maqsadi va mahoratlariga ko‘ra turli yo‘sinda qahramonlarining tashqi ko‘rinishi – portretini chizadi. Tashqi qiyofa belgi-shtrixlarini obrazlarning ichki olami bilan uyg‘unlashtiradi, ba’zan qarshilantiradi. Abdulla Qodiriy “O’tkan kunlar” romanida Kumush qiyofasini “qop-qora kamon, o‘tib ketgan nafis, qiyig‘ qoshlari”ni, “to‘lg‘an oydek g‘uborsiz oq yuzi”ni, ya’ni “qiz suratida ko‘ringan malak” siymosini quyuq, nafis ranglar uyg‘unligida (29-bet) nisbatan keng, O‘zbek oyimni “elli besh yoshlар chamaliq, chala-dumbul tabiatlik” (129-bet) tarzida qisqa tavsiflaydi. Biroq adib boshqa obrazlar portretini bir joyga jamlab, juda tig‘iz bayon qiladi. Otabekni “og‘ir tabiatli, ulug‘ gavdali, ko‘rkam va oq yuzli, kelishgan, qora ko‘zli, mutanosib qora qoshli va endigina murti sabz urgan bir yigit” (7-bet), Yusufbek hojini “to‘la ko‘rkam yuzli, katta malla ko‘zli, uzun mosh-guruch soqollik mullanamo bir zot” (82-bet), Zaynabni “o’n yetti yoshlар chamalik, kulcha yuzlik, oppoqqina, o‘rtacha husnlik” (158-bet), Usta Alimni “qirq yoshlар chamalik, qonsiz yuzlik, siyrakkina soqollik, qo‘y ko‘z, ko‘p vaqt madrasa riyozatini chekkannamo, qotma, uzun bo‘ylik” (186-bet), Hasanalinini “oltmish yoshlар

chamasida, cho'ziq yuzlik, do'nggiroq peshanalik, sariqqa moyil, to'garak qora ko'zlik, oppoq uzun soqollik" (8-bet), Homidni "uzun bo'ylik, qora cho'tir yuzlik, chag'ir ko'zlik, chuveq soqol, o'ttuz besh yoshlarda bo'lg'an ko'rimsiz bir kishi" (8-bet), O'tabboy qushbeginii "to'la yuzlik, o'siq qoshliq, og'ir qarag'uchi ko'zlik, siyrak soqol, o'rtalbo'yliq, ustidan kimxob to'n kiyib, beliga qilich osqan qirq besh yoshlar chamasida bir kishi" (69-bet), Azizbekni "...boshiga oq shohidan salsa o'ragan... siyrak qoshlik, cho'qqi soqol, bug'doy ranglik, qirq besh-elli yoshlar chamatlik bir kishi" (81-bet), Rayimbek dodxohni "jin yalagan deganlaridek qoshsiz, qoramtil yuzlik, ikki chakagining ustida bir oz, iyagida bir oz siyrak, ko'rimsiz qora soqolliq, ko'zları ichiga botig'roq, ammo qon quyilg'an sumon bir kishi" tarzida (81-82-betlar) qiyofalarni birini biriga o'xshatmasdan individual tasvirlaydi. Bu poetik usul romandagi boshqa obrazlarning shakl-shamoyili, xulq-atvori va ruhiyati tavsifida ham kuzatildi. Tashqi shakl-shamoyil tasvirida qo'llangan so'zlar ma'no tusidan yozuvchining o'z obrazlariga nisbatan mehr-muhabbati va teskari munosabati – simpatiya va antipatiyasi seziladi. Qiyofalarning badiiy-estetik ta'siri o'quvchi ko'ngliga ko'chadi. O'quvchi tasavvurida qiyofalar jamlanib, Abdulla Qodiriy "adabiy mamlakati"ning fuqarolariga aylanadi; romanda turkum obrazlar paydo bo'ladi. Garchand tarixiy-memuar deb nomlansa ham,

bunday qisqa, aniq va lo'nda poetik tasvir usuli "Boburnoma"ga xos. Bobur otasi – Umarshayx Mirzo to`g`risida: "Past bo`yliq, tegirma soqolliq, qo`ba ko`zlik, tanbal kishi edi", deb yozadi (9-bet). Asardagi ko`pgina shaxslar "shakl va shamoyili" uchun maxsus o`rin ajratiladi. Sulton Ahmad mirzoni: "Shakl va shamoyili: baland bo`yluq, qunqor soqolliq, qizil yuzluk, tanbal kishi edi. Soqoli engakida edi. Ikki yangoqida soqoli yo`q edi. Bisyor xushmuhovara (gapga chechan-B.K.) kishi erdi" (19-bet), desa, qirq uch yoshida vafot etgan Sulton Mahmud mirzoni "past bo`yluq, suyuq soqolliq, tanbal, sinchisizroq kishi edi", deb tavsiflaydi (26-bet). Boshqa bir sahifadan "Odiliy" taxallusi bilan ijod etgan va bitgan g`azallari Samarqanddag'i har bir xonadonga borib yetgan Boysung'ur mirzoning "shakl va shamoyili"ga: "ulug` ko`zluk, qo`ba yuzluk, o`rta bo`yluq, turkman chehrilik, malohatliq yigit edi", deya ta`rif beradi (63-bet). Bobur shakl-shamoyil, tashqi qiyofa xarakteristikasi yonida har bir inson tabiatи va ichki olamiga tegishli "pokiza e'tiqodli", "odmi va faqir kishi erdi", "ta`bi nazmi bor erdi", "fosiq kishi erdi", "muttaqiy kishi erdi", "zolim va kofirvash kishi erdi", "kulagach va hazzol kishi erdi" kabi sifatlar bilan ma`naviy xulqini ham ochiq yozadi. "Boburnoma"dek mo`tabar asaming haqqoniy tasvir uslubi, ehtimol Abdulla Qodiriyyaga manzur bo`lgandir. Qodiriyyshunos

professor Umarali Normatov “Qodiriy mo’jizasi” kitobida: “O’tmishda yaratilgan talay asarlardagi, jumladan “Boburnoma”dagi realistik xususiyatlarni aslo kansitmagan holda aytish mumkinki, “O’tkan kunlar”da o’zbek xalqi hayoti ilk bor o’zining to’laqonli realistik ifodasini topdi”, deb ta’kidlaydi<sup>1</sup>.

## ODIMLAR VA QADAMLAR

Samarqand shahrining bunyodi, shuhrati, hududi, tevarak-atrofi, qamrovining kengligi to’g’risida “Boburnoma”da shunday ma’lumot bor: “Rub’i maskunda Samarqancha latif shahr kamroqdur. Beshinchi iqlimdindur.. Samarqandni Iskandar bino qilg’ondur Mo’g’ul va turk ulusi Semirkand derlar. Temurbek poytaxt qilib erdi. Temurbekdin burun Temurbekdek ulug’ podshoh Samarqandni poytaxti qilg’on emastur. Qo’rg’onini, fas(i)lning ustidin buyurdumkim, qadam urdilar. O’n ming olti yuz qadam chiqtı” (43-bet).

Bobur masofa o’lchovi uchun asosan “kuruh”ni qo’llaydi. Samarqanddagı Ohinin darvozasi yonidagi bir jome’ masjididan gap ochadi; uning peshtoqiga “Va-iz yarfa’u Ibrohim al-qavaida (ilo oxırıhi)” oyatining mahobatli katta harflar bilan yozilganiga diqqat qaratab: “andoq ulug’ xat bila bitibturlarkim, bir kuruh yovuq yerdin o’qusa bo’lur”, deb ta’kidlaydi.

<sup>1</sup>Normatov U. “Qodiriy mo’jizasi” kitobi. –T.: “O’zbekiston” nashriyoti. 2010-y, 195-196-betlar.

Xo'sh, bu "kuruh" qanday birlik? Javobini Bobur yozadi: "Bu kuruhlarni mil bila muvofiqta'yin qilildi. Neschukkim, "Mubayyin"da mazkurdurlar:

*To 'rt mingdur qadam bila bir mil,  
Bir kuruh oni Hind eli der, bil*" (323-bet).

Bir "mil"ga teng "kuruh"ni boshlab ot qadami, so'ngra odam qadami bilan o'Ichangan masofa ham tasavvur etishga yordam beradi. O'n bir yarim kuruh masofa ot qadami bilan "yigirma uch mingu bir yuz", odam qadami bilan hisoblaganda "qirq olti ming ikki yuz" odim bo'ladi. Bobur yozdi: "Buyurib edimkim, Munirdin yong'onda bir kishi So'nning yoqasidin **otining har qadamini** o'rdug'acha sanasun, - yigirma uch mingu bir yuz sanabturkim, **qirq olti ming ikki yuz qadam** bo'lg'aykim, o'n bir yarim kuruhdur" (338-bet). Xuddi shunga o'xshab, "O'tkan kunlar" romanida roviy sizni yetaklagancha Marg'ilon o'rdasining atrofini qadamlab chiqadi. "Hozirbizgao'rda ichiga kirish mumkin bo'lmag'an uchun qo'rg'onning tashqari tegrasida aylanib turayliq: darvozaning so'l biqinig'a qarab **ikki yuz odim** ketsak qo'rg'on devori tugalab, burchga yetiladir... Shundan keyin bir bo'shliq yer bilan qo'rg'onning janubiga qarab ketiladir. **To'rt yuz odimlab** borilg'ach, qo'rg'onning sharqi-janubi burchiga yetilib, bu

burchini ham anovisiday qorovulsiz topiladir. Bu burchdan qarag'an kishiga qo'rg'onning g'arbi-janubiy burchi ham ko'rinishib, shu yo'sunda o'rdaning to'rt burchini aylamb chiqilsa **bir ming olti yuz odim** bosilg'an bo'lib o'rdaning g'arb tomonidan biz tanishg'an o'rda darvozasig'a kelinadir" (67-bet). O'rdaning ichiga kirishdan oldin tashqi ko'rinishiga e'tibor beriladi. Bundan tashqari yozuvchi zarurat yuzasidan ba'zan "**elli-oltmish odim**" yuradi. Toshkentning Kamolon darvozasidan Samarqand darvoza tomonga qarab "**besh yuz odim**" tashlaydi. Boshqa bir sahifada adib masofani xuddi Bobur Mirzodek ot qadami bilan o'lchaydi: "Boshlar uyumi bilan Azizbek orasi **qirq-elli ot odimi** qolq'an edi" (82-bet). Adib Qo'qon o'rdasining atrofini aylanmaydi. Buning o'rniga "bu o'rdaning ham tashqarig'i aylanasi o'sha o'rda qabilidan bir tusda, bir uslub va bir vus'atda bo'lg'anliqdan bu o'rinda yana qog'oz qoralash ortiqchadir" (112-bet) deb gapni qisqa qiladi; o'rdaning qurilish uslubi va kengligi Marg'ilon o'rdasiga o'xshashidan xabar beriladi. Turli tarixiy davrlarda oraliq masofani, uzunlik yoki yo'lni o'lchash uchun yig'och, arshin, gaz, qarish, metr, kilometr kabi fizik o'lchov birliklari ishlataligan. Ammo "Boburnoma" bilan "O'tkan kunlar" mualliflar o'rda va qo'rg'onlar atrofini ko'pincha qadamlab chiqishadi yoki otlarini odimlatib o'lchashadi.

## JON QADRI – UMR MAZMUNI

Har qanday asardagi ishq-muhabbat, hayot va o'lim, turmush ziddiyatlari, imsonlararo to'qnashuvlarning bayoni hech kimni befarq qoldirmaydi; umr mazmuni, jon qadri, dunyoga kelish va undan ketishga tegishli hayotiy hikmatlar esa badiiy asarning falsafiy mazmunini boyitadi. "Boburnoma" va "O'tkan kunlar" sahifalari shunday o'gitlardan xoli emas. "O'tkan kunlar" romanida oradan o'tgan yillar suroniga boqib Mirzakarim qutidor: "**Umr – otlig'an o'q emish**" (15-bet), deydi; aslida umr mazmuni ustida fikrlamaydigan, hayot mohiyatini o'ylab ko'rmagan odam kam bo'ladi. Zero, vatan, ishq-muhabbat, hayot, o'lim, sadoqat, do'stlik, insonning dunyo qarashi badiiy ijodning dominant mavzulari sanaladi. Rus adibi Lev Tolstoyning: "Agar inson fikrlashni o'rgangan bo'lsa, nimani o'ylashidan qat'iy nazar – u hamisha o'lim to'g'risida fikr yuritadi" mazmunli gapi bor Jon qadrini, sinovli dunyo o'tkinchiligini, imtihonni, o'limni eslash – o'zligini anglagan orif insonga xos fazilat Boburning boshiga turli ko'rgiliklar yog'ilib, omad undan yuz o'girgan va dushmani Ahmad Tanbal odamlari iziga tushib ta'qib etgan, shoir o'z ta'biri bilan aytganda "ish tadbirdan

o'tgan" kurnarning birida u: "**Olamda jon vahmidin yomonroq nima bo'lmas emish**", deb yozadi (107-bet). Boburning realistik tasvirlari, iqrorlari, haqgo'yligi, tipirchilab turgan yuragini qo'shqa'llab o'quvchiga tutqazishi e'tiboridan dunyo adabiyotidagi har qanday ijodkordan yuqori turadi. Bobur o'zini, yuragini, yuzini, a'molini, so'zim, amalini, ko'zini pardalamaydi. Ikkilanishini, andishasi, g'azabini, ko'ngil g'ulg'ulasi va bezovtaligini ochiq yozadi. Shar'an qaralganda, kundalik namoz ibodatlari bilan ma'jun iste'moli, odamning aql-xushini oladigan chog'ir, may ichishning bir inson fitratida jamlanishi maqtaladigan ijobiy xislat emas. Bobur bu shar'iy hukmnı har kimdan yaxshi biladi. Shuning uchun yonidagi sheriklarini chog'irga ham, ma'junga ham majburlamaydi; na ortiqcha dag'dag'a, na da'vat qiladi. Holbuki u o'zining chog'ir majlislari-yu ma'junxo'rligini ham, tonglasi sabuhiy qilishlarini ham bemalol sir tutishi mumkin edi. Guvoхlar uni taftish qilishga, qalami qitirlatib yozayotgan "Vaqoe"ni kuzatib turishga yuragi betlamas edi. Bobur Yaratguvchining "samiun basir", "kulli shay'un qodir"ligiga, barcha ishlarni "kiromin kotibin" maloikalar amal daftariga allaqachon yozib qo'yganiga inonchi bois haq so'zlarni bitadi. Butun ayb-u gunohini, bor ezgulig-u odamiyiliginи,

barcha tavba-yu tazarrularini ochiq bayon etadi. To‘g‘risi, qiyosning ikkinchi egasi mavlono Abdulla Qodiriyning o‘z qo‘li bilan yozgan bunday tarixiy iqrornomalari, kundaliklari yoki o‘z tabiatiga oid e’tiroflari yo‘q hisobi. Adibning “Suddagi nutqi”, zamondoshlarining xotiralari, Habibulla Qodiriyning “Otam haqida”, Mas’ud Abdullayevning “O’tganlar yodi” kitoblarida bu xususdagi ayrim ma'lumotlar uchraydi, xolos. Biroq tasavvurimizcha, Bobur bilan Qodiriyning poetik tafakkurtarzida, adabiy-estetik tushunchalar, odamiyligi va borliqni ko‘rishida qandaydir yaqinlik bor. “O’tkan kunlar”da yozuvchi: “Darhaqiqat, bizning qarshimizg‘a yo‘lbars chiqsa, biz qattiq qo‘rqamiz, chunki bizni o‘lum kutadir, **inson uchun dunyoda o‘lumdan qo‘rqunch narsa yo‘q**”(320-bet), deydi. Adib kelgusi voqealarni o‘quvchiga oldindan sezdirishning maxsus adabiy usulini qo‘llabmi yoki ichki bir tuyg‘u da’vati bilanmi, hartugul, Kumush oxirgi maktubida onasiga: “Manim bo‘lsa nima uchundir yuragimda bir qo‘rquv bor...”, deb yozadi (363-bet). Voqealar rivojidan qo‘rquv siri ochiladi, zaharlangan Kumush “jomga o‘qchib quzar edi”. Aybdor Zaynab Yusufbek hoji uyidan haydaladi, akalari uni kishanlab qo‘yishadi. Jinirgani qozi va tabiblar tomonidan tasdiqlangach, jinoyati uchun jazolanish hukmi uning ustidan ko‘tariladi.

Zaharlanish hodisasi podshoh Bobur hayotida ham yuz beradi. Hindistoniylar qo'lidan zaharli osh yegach, uning ko'ngli behuzur bo'ladi. Bu to'g'rida: “Obxonag'a borguncha yo'lda bir navbat qusayozdim. Yana bir navbat qusayozdim. Obxonag'a borib, qalin qustum. Hargiz oshdin so'ng qusmas edim, balki ichganda ham qusmas edim” (281-bet), deb yozadi u. Aybdorlar jinoyatiga yarasha jazo oladi: birining terisi tiriklayin shilinadi; yana bir aybdor filning oyoqlari ostiga tashlanadi (282-bet). Bir o'limdan qolgan Bobur go'yo onadan qayta tug'ilgandek bo'ladi. **“Tengri menga boshin jon berdi”**, deb shukrona aytadi u. Jon xalqumga kelib ketgan bunday vaziyatlarda inson uchun joni aziz ko'rindi. Shunda umr mazmuni, tiriklik ne'mati ustida o'ylaydi. Bobur iqroran yozadi: **“Jon mundoq aziz nima emish, muncha bilmas edim, ul misra' borkim: Kim o'lar holatqa yetsa, ul bilur jon qadrini...”** (282-bet). Aslida inson hayoti ijtimoiy-ma'naviy, ruhiy-moddiy va boshqa ziddiyat hamda murakkabliklar ustiga quriladi, o'zini va o'zligini anglaganlar fursatni g'animat bilib, oxirat kuni uchun ozuqa jamlaydi, savol-javobga hozirlilik ko'radi. Chunki Bobur ta'biriCHA, “har kimki hayot majlisig'a kiribtur, oqibat **ajal paymonasidin ichkusidur** va har kishikim, tiriklik manzilig'a ketibtur, oxir dunyo

g`amxonasidin kechgusidur” (289-bet). Tiriklik va o`limga oid “hayot majlisig‘a” kelib-ketishning hikmatona ifoda juda tig‘iz va qarshilantirish usuli asosiga qurilgan. Shu gap davomidan Bobur barchaga mashhur “...dahr aro qoldi falondin yaxshilik” misralariga moslab juda muhim va mardona hayotiy bir gapni yozadi: “**Yomon ot bila tirilgandin yaxshi ot bila o`lgan yaxshiroq**”. Bunda “yaxshi-yomon”, “tirilgan-o`lgan” tazodlari ifoda ta’sirini oshiradi. “O’tkan kunlar”da o’zining hayoti mazmunini o’ylayotgan Yusufbek hoji deydiki: “Men ko‘b umrimni shu yurtning tinchlig‘i va fuqaroning osoyishi uchun sarf qilib, o’zimga azobdan boshqa hech bir qanoat hosil qilołmadim... Bobolarning muqaddas gavdasi madfun Turkistonimizni oyoq osti qilishg‘a hozirlang‘an biz itlar yaratguchining qahriga albatta yo‘liqarmiz! Temur Ko`ragon kabi dohiylarning, Mirzo Bobur kabi fotihlarning, Forobiy, Ulug‘bek va Ali Sino kabi olimlarning o‘sib-ungan va nash‘u namo qilg‘anlari bir o‘lkani halokat chuqurig‘a qarab sudrag‘uchi albatta tangrining qahrig‘a sazovordir” (294-295-betlar). Hoji besh kunlik umrida “dunyo mojarolaridan etak silkib to`sha’i oxirat tadoriki” ni ko`rishga o‘zida rag‘bat va zarurat sezadi. Darvoqe, Abdulla Qodiriy tirik mahalida o‘z Vatani va millatiga bo‘lgan sevgisi, haq gapi, ezgu amali va bebaho asarlari evaziga hojiga o‘xshab

o'ziga azob-uqubatlar, tuhmat-u bo'htonlar orttirib oldi. Ammo adibning favqulodda jasorat egasi ekani ham, bu mardona fazilat qahramonlari tabiatiga ko'chgani ham bor gap. Shu o'rinda uch dushmani bilan bir o'zi olishgan Otabekni yoki dor ostida o'limga tik qarab turgan Anvarning o'tkir ko'zlarini eslash o'rmlı, albatta. "Haqiqat, ochib so'zlashdadir" hikmati hayotiy dasturi bo'lgan adib "Suddagi nutqi"<sup>1</sup>da o'sha mustabid davming "odil sud"<sup>2</sup>iga qarata: "Men to'g'rilik orqasida bosh ketsa, "ix" deydigan yigit emasman... Ko'nglida shamsi g'uboroti, teskarichilik maqsadi bo'lмаган sodda, go'l, vijdonlik bir yigitga bu qadar xo'rlikdan o'lim tansiqroqdir. Bir necha shaxslarning orzusicha, ma'naviy o'lim bilan o'ldirildim. Endi jismoniy o'lim menga qo'rqinch emasdир", deb aytadi. Keyingi hibs mahalida: "Menga qo'yilgan ayblarni boshdan-oyoq rad etaman. Haqiqat yo'lida har qanday, jazodan, qyinoqdan qo'rqlayman. Agar otmoqchi bo'lsalaring, ko'kragimni kerib turaman...", deb mardona so'zlaydi. Xuddi shunday mardona tuyg'u, haqqoniyat, favqulodda jasorat, ulkan shijoat Bobur umriga, "Boburnoma" matniga nur bag'ishlaydi. Uning fotihligi, elobodchiligi, bag'rikengligi, do'st-u dushmanlariga ko'rsatgan

<sup>1</sup>Qodiriyy A. Suddagi nutq. "Orzbekiston adabiyoti va san'ati" gazetasi 1994-y, 6-bet.

<sup>2</sup>Qodiriyni qomsab -T: Abdulla Qodiriyy nomidagi xalq merosi nashriyoti. 1994-y, 6-bet.

muruvvati, ayniqsa, farzandidan jonini ham ayamagani uzoq moziyning o'chmas haqiqati. O'g'li Humoyunning dardiga hakimi hoziqlar "yaxshi nimarsalarni tasadduq qilmoq kerak" deb tashhis qo'yishadi. Bobur "Humoyunning mendin o'zga yaxshiroq nimarsasi yo'q", fikriga keladi va uch marta o'g'lining tegrasida aylanib aytadiki: "men ko'rtardim har ne darding bor". O'shal zamon men og'ir bo'ldum, ul yengil bo'ldi. Ul sihat bo'lib qo'pti. Men nohush bo'lub yiqildim" (355-bet). Bunday vaziyatda Haq bilan avliyosifat inson orasidagi pardalar ko'tariladi. Toza yurakli otaning chin duosi Tangri huzuriga o'q boradi va ijobat bo'ladi. Bobur o'limni mardona bo'yniga oladi. Bobur nasrida ifoda yo'sini juda qisqa, kam so'zga ko'p ma'no yuklanadi.

## IYJOZ MAQOMI

Kam so'zda ko'p fikr bayoni mumtoz poetikada "iyoz" deyiladi. "Boburmoma" – shoirming nasri, podshohnning nazari; unda inson umri, tarix voqeligi, geografik ma'lumotlar yo'l-yo'lakay quruqdan-quruq bayon qilinmaydi. Deylik: "Ko'ngullar gul yanglig' ochilib, ko'zlar chirog'dek yorudi" (354-bet) kabi qisqa, o'xshatishli va toza turkiy ifoda Bobur uslubigagina xosdir. Boburning nasri ta'sirli, ohangli, she'rli, mahobatli, sajli, tavze'li, latofatli, o'xshatishli; unda tavsif bilan tasvir uyg'unlashadi.

Ora-orada lirik pafos bilan bezatilgan, ayni damda tragizm bilan sug‘orilgan “Boburnoma” o‘zbek mumtoz nasrining fasohat va balog‘at namunasi, iyjoz maqomidagi betakror asar. So‘zi kam, ma’nosi o‘ktam; fikr va tushunchalar to‘qnashadi, so‘z so‘zga urinadi, so‘zdan so‘z unib chiqadi. O‘qiymiz: **“Na uchunkim, alar asru qalin, biz ko‘p oz, o‘zga bu qaviylik bila alar arkta va bu zaifliq bila biz tosh qo‘rg‘onda”** (101-bet). O‘zaro qarama-qarshi qutbda turgan “alar – biz”, “qalin – ko‘p oz”, “qaviylik-zaifliq”, “ark – tosh qo‘rg‘on” kabi juft va zid so‘zlar orasida bir dunyo tushunchalar jamlanadi. Boshqa bir misol: **“Viloyat orasi, tong yovuq va maqsad yiroq”** (105-bet). Qarshilantirishdan ifoda aniqlashib go‘zallashadi. Boshqa bir sahifaga nazar solamiz. Bobur alg‘ov-dalg‘ovli kunlarning birida Banda Ali degan sherigini kutib o‘tiribdi. Kutganda kun cho‘ziladi, soniyalar immillaydi; vaqt yurmaydi, go‘yo to‘xtab qoladi: **“Subh uzlab keladur, bu hech kelmaydur”** (105-bet). Bunday bayon tarzi faqat holat ifodasi, ma’lumot berish jarayonida emas, balki turli tarixiy voqealar tafsiloti yoki tarixiy shaxslar tabiatи yoritilgan sahifalar ham tez-tez uchraydi. “Boburnoma”da voqelik, fikr va tuyg‘u noo‘rin tafsilot va ortiqcha lag‘vlarsiz yoziladi. To‘g‘risi, kengqamrovli, adabiy-tarixiy nasrning universal uslubida yozilgan “Boburnoma”dek

muazzam va betakror asar o'zidan keyingi turli janrdagi o'nlab-yuzlab badiiy asarlar uchun tayanch, ildiz va manba bo'lib xizmat qilgani ayni haqiqatdir.

So'zning iyjoz martabasi Abdulla Qodiriy nasri poetikasiga, qahramonlari nutqiga ham xos. Otabekni ikkinchi marta uylantirish havasida yurgan O'zbek oyim bir kuni Hasanali bilan gap talashib aytadiki: "Sandek soqoli uzun, aqli qisqadan kengash so'rab o'lturg'an men ham ahmoq!" (163-bet). Shokirbekning Otabekka evrilish sahnasi ostonasida Usta Alim: "**yomonning janozasidan yaxshining hikoyasi foydalik**", deb some'likka hozirlanadi (254-bet). Bunday nutqda "sen" – "men", "uzun" – "qisqa", "yaxshi" bilan "yomon", "janoza" bilan "hikoya" so'zları zidlanadi. Yusufbek hoji bir yig'ilishda: "**Bu soqol shu el qayg'usida oqardi. Bu ko'ngil shu manfaatparastlar ta'sirida qoraydi**" (318-bet), degan gaplari semantikasi qarshilidir. Yusufbek hojining o'z nafsgiga nazari, malomati va e'tirofidagi **soqolining oqarishi** yoki **ko'nglining qorayishi** tasavvurni toza bir inson umrining yo'llari tomon yo'llaydi. Aslida vaziyat, xarakterning kontrastli-qiyosli tasvirini romanning dastlabki sahifalarida, ya'ni karvonsaroyda Otabek tushgan hujra yoki Otabek bilan Homid xarakteri bayonidayoq ko'rindi. Adib bu badni san'atdan romanda juda ko'p va o'rinli

foydalananadi. Ba'zan kundoshlarning ma'naviyati, saviyasi har jihatdan taqqoslanadi. O'z maqsadi yo'lida yangi qahramonlarni sahnaga olib chiqish jarayoni roman oxirlab qolganida ham davom etadi. Adib romanning "Xushro'ybibi va Zaynab" faslidagi "Xushro'y uzun bo'yli, qotmaroq va zarcha tanlik edi. Zaynab qisqa bo'y, go'shtdor va oq tanlik edi. Xushro'yning harakati yengil va lavzi tez edi, Zaynab loppos va o'nta so'zga arang bitta javob qaytaradirg'an edi" (353-bet), degan opasingillar tabiatining qiyosidan tasavvur to'lishadi.

Iyoz maqomidagi bunday misollarda Bobur Mirzo ham, Abdulla Qodiriy ham chin ma'nodagi o'z eli va tilining bilimdoni, o'z davri adabiy tilining bunyodkori hamda o'zbek tilining barcha imkoniyatlaridan to'la foydalangan adabiy shaxslar sifatida ko'rindi. Bu ikki muazzam adabiy siymo turkiy-o'zbek adabiy tilining ifoda salohiyati va qamrovini o'zlarining amaliy xizmatlari bilan isbotladi, shuningdek, zukko tilshunos sifatida ba'zan nazariy qarashlarini ham bayon qilishdi.

## IKKI TILCHI

Abdulla Qodiriy o'zining betakror badny asarlari bilan o'zbek adabiy tilining boyligini isbot etdi; o'mi kelganida sheva so'zlaridan unumli foydalandi. Adib xalq tilida qo'llanadigan "chip"

so'zi uchun "g'ov, barrikada ma'nosida", boshqa bir sahifadagi dialogda kelgan "**eshik**" so'zini "Farg'onada hovlini eshik deydilar" deb izohlaydi. Homid Jannat opaga "...guzardan chiqib bir chorak et keltirib, sho'rba qilib bersangiz" deydi. Yozuvchi "**bir chorak**"ni "uch yarim-to'rt qadoq chamasi toshdir" deb izohlaydi. Bugungi o'quvchi uchun bir qadoqning 409,512 grammga teng og'irlilik o'lchov birligi ekanini eslatishga zarurat bor. Boshqa bir epizodda uzoq ayrılıqdan keyin qayta uchrashgan Kumush Otabekka "Siz endi **qirchillabsiz!**" deb aytadi. Adib "qirchillash" so'ziga: "Qirchillash - odadta qorga aytildir. Masalan, qattig' sovuqda yoqg'an qor qirchillaydir. Shundan olib, ayni yetilgan yigitlarni qirchillama yigit, deydilar" tarzida romanning asosiy kontekstidan tashqarida izoh yozdi. "Mehrobdan chayon"da Xudoyorxon o'z o'rdasidagi mirzolarga arabiylar so'zlarni ko'p qo'llagani uchun "**Enalaring**" arapqa tekkanma?" deb tanbeh beradi. Yozuvchi "enalaring" so'ziga to'xtalib: "Enalaring so'zidagi "ng" harfini "ng" ravishida qalin so'zlaydir. Bu kungi Farg'ona o'zbeklarida ham (ayniqsa qishloqlarda) yumshoq "ng" o'miga qalin "ng" ishlatalishi ko'b eshitiladir. Hozirgi isloh qilingan harflarimizda bu qalin "ng"ning maxsus shakli yo'qdir. Yozgan (n-g') harflaridan bir tovush yasalsa ham, biroq o'qug' anda har kim buni o'z maxrajidan chiqarolmas, yanglish o'qur. Bu qalin "ng" o'zbekchabir nechta so'zdagina

ishlatilmay ko'b (ellilab) so'zda iste'mol qilingani uchun manimcha alohida bir shakl qabul qilish ehtiyoji his etiladir. Masalan mashhurlari: "zang", pang", lang", darang", qalang'i-qasang'i, darg", to'ng'iz, shang'i, to'ng'illamoq, to'ng", to'ng'uch va ang'iz, ting'" boshqalar... Eski "ning" "ng" ravishida isloh qilingan. Bu yo'g'on "ng" ham "g" harfining ustiga nuqta qo'yulib yozilsamikin...<sup>1</sup>", deya izoh yozadi va iymanibgina taklifni beradi. Adib o'zbek tilining tabiiy xususiyatlarini, jamiki fazilatlarini qadrlash ustida bosh qotirgan; shuning uchun ham tildagi bunday muammoli fonetik hodisaga maxsus to'xtaladi.

Bobur o'zining mashhur:

"Yod etmas emish kishini **mehnatta** kishi,  
Shod etmas emish ko'ngulni **g'urbatta** kishi.  
Ko'nglum bu g'aribligta shod o'lindi hech,  
G'urbatta sevunmas emish, albatta, kishi"

<sup>1</sup>Abdulla Qodiriy. "O'tkan kunlar Mehrobdan chayon". -T.: Gafur Gulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. 430-bet.

<sup>2</sup>Bu ruboiy "Boburnoma" tarkibida ayni shaklda keladi Ammo shu kungacha bosilgan Boburning she'riy majmualarida ruboivning boburshunoslar e'tibor berib, aniqlik kiritishi lozim bo'lgan va bitta so'zning o'mi al mashgan quyidagi nusxasi ham keng ommalashgan.

*Yod etmas emish kishini **g'urbatta** kishi,  
Shod etmas emish ko'ngulni **mehnatta** kishi.  
Ko'nglum bu g'aribligta shod o'lindi hech,  
G'urbatta sevunmas emish, albatta, kishi"*

ruboiysidan keyin turkiy tilning tovush xususiyatiga doir mulohaza yozadi: “So‘ngra ma’lum bo‘ldikim, turk lafzida mahal iqtizosi bila “to” va “dol” yana “g‘ayn” va “qof” va “kof” bir birlari bila mubaddal bo‘larlar emish” (90-bet). O‘miga qarab “t” bilan “d” undoshining, “g”, “q” va “k” tovushlarining o‘mi almashib kelishini, ularning o‘zaro moslashuvchanlik tabiatini tushuntiradi. Boburning yigirma sakkizta harfdan tarkib topgan alohida alifbo – “Xatti Boburiy”ga tartib bergani, shu xatda farzandlariga maktublar, hatto zamonasining xattotlariga “Mus’haf”ni ko‘chirtirib Makkayı Mukarramaga yuborgani ma’lum<sup>1</sup>. Bobur “Bobumoma”da joy nomlari, turli tarixiy shaxslar, mamlakat, shahar va qishloqlaming tavsifi, turfa urf-odat, udumlar, hayvonot va nabotot olami munosabati bilan ko‘p so‘zlarga izoh yozadi. Masalan: “Yana hind eli adadni ham xo‘b tayin qilibturlar: yuz mingni “lak” derlar, yuz lakni “kurur” derlar. Yuz kurumi “arb” derlar. Yuz arbni “karb”, yuz karbni “nil”, yuz nilni “padam”, yuz padamni “song”. Bu adadlarning tayini Hinduston molining ko‘plugining dalilidur” (266-bet). Tilshunoslar fikricha, Bobur ikki yuzdan ortiq so‘z etimologiyasiga aniqlik kiritadi.

<sup>1</sup>O‘ktam Sultonov. “Xatti Boburiy”. “Moziydan sado” jurnalı, 2003-y, 3-4-son. 90-92-betlar.

Bobur o'g'li Humoyunga yozgan javob maktubida nabirasi ismining ma'nosiga, xatida yo'l qo'ygan imlo xatolarigacha e'tibor beradi. Eng assosiysi uslubiga nisbatan: "Bundin nari betakalluf va ravshan va pok alfoz bila biti: ham sanga tashvish ozroq bo'lur va ham o'qug' uchig'a" (321-bet), deb o'zi qo'llagan usullardan qimmatli o'git beradi. Bunday mulohazalar barcha davr farzandlari uchun otalar aytgan umriboqiy nasihatdir. Bobur bilan Abdulla Qodiriyning asar, bitik, maktub, inshoni aniq va tiniq yozish xususidagi fikrlari o'zaro uyg'un. Qodiriylar fikricha, yozganlariga "yozuvchining o'zигина тушуниб бoshqalarning тушунмаслиги кatta ayb", "fikrning ifodasi xizmatiga yaramagan so'z va jumjalarga yozuvda aslo o'rinn bermaslik lozim". Yosh yozuvchilar o'z asarlariga birovning so'ngso'z yoki so'zboshisi bilan tumor taqqandan yoki nashriyot muharrirlarga ortiqcha ish qoldirgandan ko'ra o'z so'zlarida sobit turib, "bir soatda emas o'n soatda yozishlari" va yozganlarini "bir qayta emas, o'n qayta tuzatishlari kishining yordamiga termulishga qaraganda ham foydalik, ham umidlikdir"<sup>1</sup>. Nazarimda, har ikki alloma-genial adibning asarlari, yozish malakasi va tajribasidan o'tgan adabiy-nazariy o'gitlari barcha davrning yosh ijodkorlari uchun muazzam dorilfunun saboqlari o'mini bosadi.

<sup>1</sup>Abdulla Qodiriy. "Diyorı bakr". -T: "Yangi asr avlodı" nashriyoti. 2007-y, 230-bet.

## GUL VA CHOG'IR

**Gulli sahnalar:** Abdulla Qodiriyni qurdoshlari "gul shaydosi edi" deb esga olishadi, adib o'z qahramonlarini ba'zan gulga taqqoslaydi yoki ulardan ayrimlari gul parvarish bilan mashg'ul bo'ladi. Yozuvchi Kumushbibining parishon holi uchun: "Bir narsa to'g'risida o'ylarmidi yoki bosh og'rig'isi kuchlikmidi, har holda namozshom gul kabi yopiq edi" (30-31-bet), deb izoh beradi. Kumush turmushga uzatiladigan sahnaga nazar tashlaymiz: qiziyig'iniga Kumushning dugonalari jamlangan. Bu yig'inni ham yozuvchi "Qizlar majlisi – gullar, lolalar, to'tilar, qumrilar majlisi!" (53-bet), tarzida "gullar" bilan bezaydi. Bunday go'zal manzaraga uchragan odam "gul tanlashda biror qarorga kelolmay" hammaga kulgi bo'lishi mumkin. Ammo davraga Kumushbibi kirib kelgach, agar gulni guldan ajratib tanlashga zarurat bo'lsa, endi odam mutaraddid bo'lmaydi, ikkilanib esankiramaydi. Chunki "Kumushbibi lolalar ichidagi bir gul va yo yulduzlar orasidagi bir oy edi" (54-bet), deb gul va oyga qiyoslaydi. Dali-g'ulli O'zbek oyim Kumushni birinchi bor ko'rghanida goh o'pkalanib, goh erkalanib: "Endi ko'rsam miltiqning o'qidek, pushti gulning to'qidek kelinim bor ekan..." (325-bet), deya shoirlanadi va ko'ngil quvonchini izhor qiladi. Roman intihosiga yaqin Otabek tush ko'radi.

Adib uning tushini ham gul va gulzor tomon buradi. Otabek “tush ko‘rar edi: chamanda gullar ochilg‘an emish... Bu gulshan uning o‘ziniki emish... Ul rango-rang chechaklardan ko‘zini ololmas emish” (368-bet). Abdulla Qodiriy gul shaydosi edi; bu fazilat uning qahramonlariga ko‘chgan. Ra’no tasviri uchun “ra’no gulining suvi”ga zarurat sezgani ham bejiz emas. Latif gullar shoir ko‘ngilli insonni o‘ziga maftun qilishi mumkin. Ayniqsa, hayotining biror kunini xotirjam o‘tkazmagan, “ikki ramazon iydini payopay bir yerda” o‘qimagan Boburning ko‘ngli chamanzor-u tabiiy gullar go‘zalligidan orom topadi. Gullarning navlari bilan qiziqadi. Kobulda lola gulining o‘ttiz to‘rtta turi borligini aniqlashtirtiradi. “Boburnoma”da: “Yana Hindustonda tavre gullar bordur” jumlasidan keyin “josun”, “kanir”, “kiyura”, “yosuman” kabi bir qancha gullarning shakli, rangi, tanasi, ildizi va hidigacha ta’riflaydi (264-bet). Bobur Hind yerida Agraga suv keltirib, obod qilganini shunday yozadi: “Har go‘shada maqbul chamanlar, har chamanda muvajjah gul va nastarinlar murattab va mukammal bo‘ldi”(275-bet). Boshqa bir o‘rinda yozadi: “Tарh bilan chamanlar qilib, chamanlar atrofida xushrang va xushbo‘y gul va rayohin tikmak kerak” (330-bet). Bobur Hindistonda “nilufarzor sayr”iga chiqadi. Bu gulni juda yaxshi ta’riflab hindlar nilufarning

urug'iga "duda", gulning o'zini "kaval kikriy" atashlarini eslab o'tadi (338). Bobur qadami yetib borgan turli hududlarda ko'chatlar o'tqizib, gullar ekip, o'nlab bog'-rog'lar va yuzlab gulzorlar barpo qiladi. Buni oradan asrlar o'tib, Javoharla'l Neru "Dunyo tarixiga nazar" kitobida yozadi: "U gullar va bog'larni sevar va jazirama Hindistonda O'rta Osiyodagi vatanini tez-tez eslab turardi: "... binafshasi bisyor latif bo'lur... qalin lola va gullar ochilur", deb xotirlaydi u esdaliklarida" (Ilhom Sultonov tarjimasi).

Bobur lirkasidagi "gul", zebo gulning parishon zulfi, qaysi bir gulning vafosi, guliston ichra "ruhi zebo" gulning ko'rki – bularning bari yor vasfiga taalluqli. Uning daliyona shoir ko'nglini lolalar ichra bir gul o'rtaydi. Shu bois g'azallaridagi gul, lola, binafsha, yosuman, rayhon, nargis, chaman, gulzor kabi obrazlar metaforik tabiatlidir.

**Bo'zali bazmlar:** "O'tkan kunlar" dagi Abdulla Qodiriy nazariga ko'ra: "Xalqimiz ta'biricha, bu zamonalik "musulmonobod" bo'lsada, biroq bu tantanalik ta'birmi buzib qo'yaturg'an ishlar ham yo'q emas edi. Xon musulmon, bek musulmon, xalq musulmon, buning ustiga yurish-turish ham musulmoncha, hukmlar ham shari'aticha edi" (213-bet). Ammo shu orasta hukmlarga rioya qilmaydigan o'g'ri, fohishalar borligini, ayrim

“uylarda musallas bilan bo‘zalar xumlab qaynab” yotishini, Chuqur qishloq tomonlarda “rustamona kishilar bilan ayqirib yotqan bo‘zaxonalar” ham ishlab turishini oshkor yozadi. Bunday ma’lumot, tafsilot va izohlardan keyin adib Otabekni o’sha bo‘zonalardan biriga yetaklaydi. Bo‘zagar Otabekni “bo‘zaning guli bilan mehmon” qiladi (214-bet). Romanning “Unutolmasa nima qilsin?” fasliga ko‘ra Otabekning sayoq yo‘lda yurishlaridan ota-onas bexabar. To‘g‘rirog‘i, yozuvchi so‘zni cho‘zmaslik uchun ularni o‘g‘li holidan atay xabarsiz qoldiradi. Otabekning “kechalari allaqayoqlarg‘a ketib, yo‘qolaturg‘an odatlar”ini Hasanali biladi, xolos. Otabek “bir-ikki qayta ortiqcha mast bo‘lg‘an holda qaytib, Hasanalinini tamom hayratda qoldirdi” (205-bet). Hasanali Otabekka biror nasihat qilishni ham, uning bunday mastona yurishlarini birovga aytishni ham bilmaydi. Bazmdan tunlari sarxush qaytadigan Otabekni Hasanali yuragini hovuchlab, kutib oladi. Norizo ohangda “O‘g‘lim, sizga shu shaytoniy ishning nima zarurati bor”, deydi. Tonglasi mastlikdan oyilgan Otabek Hasanalining yuziga tik qaray olmaydi. Adib Otabekning bu adabsiz holi bayoniga ayriliq dardini, “alamini ichkulikdan olib” yurishini qo‘shadi.

Usta Alim ta‘biricha, may “bir tomondan kishining salomatligiga foyda bersa, ikkinchi

jihatdan tiriklikning qayg'u va alamlarini" ham unuttirib yuborar emish. Ichkilikdan qattiq hazar qiladigan, mayni o'ziga dushman sanaydigan Otabek birinchi marta usta Alimning uyida "tamom shar'iy qilib tayyorlangan maviz" dan ichadi. O'sha sahnada o'zini uzrlilar qatoridan sanaydigan usta Alim ikki piyola ichib, uchinchisini qayg' uliroq ko'ringan Otabekka uzatib "qo'limni qaytarmang, mehmon" deb manzirat bilan kutib turaveradi. "Otabek piyolani olishg'a majbur bo'ldi. Uy egasining aytkanidek maviz juda ham timq, yaxshi chiqg'an ko'kchoy kabi musaffo edi. Piyolaga uzoq qarab turmay ichib ham yubordi. Och qormg'a tushkan o'tkir may vijj etdirib me'dani qaynattdi-da, tomoq ostini lovullatmoqqa oldi". (189-190-betlar). Qaynotasi eshididan quvilgan Otabek ham shu zaylda o'zmi ma'zurlar qatoriga qo'shadi. Har jihatdan komil, ideal bir inson sifatida qaralayotgan Otabekni Abdulla Qodiriy ana shu nomashru' amallarsiz, maysiz va bo'zasiz bazmlar fonida tasvirlashi ham mumkin edi. Ehtimol, bunda qalam rostlik rutbasidan toyilgan bo'lardi.

Bobur 1506-1507 yil voqealari bayonida o'ziga Husayn Bayqaro farzandlari qishni Hirotda o'tkazishga, Alisher Navoiy uyida istiqomat qilishga taklif etganini yozadi. Avval Badiuzzamon mirzo uyida mehmon bo'ladi.

“Badiuzzamon qoshig‘a borg‘anda namozi peshindin so‘ng chog‘ir majlisi bo‘ldi, men ul mahallar ichmas erdim” (169-bet). Majlis ahli Boburning ichmasligini bilgani uchun unga taklif ham qilishmaydi. Boburning yoshligidan ichkilikka aslo mayli bo‘lmagan; hatto ba‘zan otasi taklif qilganida ham uzr aytgan. “Shubhalik taomdin ijtinob qilur erdim”, deb xotirlaydi u. Temuriy mirzolar huzurida yigitlik yoshida, nafs taqozosi bilan unda chog‘irga mayl paydo bo‘ladi: “...ichmakka azm qildim va bu vodiyni tay qilmoqni jazm qildim” (171-bet). Muzaffar Mirzo mehmonga aytganida Badiuzzamon uyida ichmay, uning inisi uyida ichishdan ikkilanib, taraddudga tushadi. Shundan so‘ngra ikki og‘a-ini bir joyda jamlanganida va ular taklifi bilan ichishni maqsad qiladi. Boburning chog‘ir bazmlari shunday boshlanadi. Hiriyga kelguncha bir qultum ham ichmagan shahzoda Boburning bundan keyingi biror majlislari ma’jun yo chog‘irsiz o’tmaydi. Bunday bazmlar kayfi va kayfiyatini yaxshi bilgan Borur bir necha bor “ma’jun suhbatı bila hargiz araq va chog‘ir suhbatı rost kelmas” (208-bet) deb ta’kidlaydi. Avvalo nafs taqozosi, qolaversa, hayot daraxtidan Boburning boshiga yog‘ilgan kuzgi xazonlar va aysh-ishratga moyillik uni “chog‘irning nash‘a va kayfiyatı” bilan oshno qildi. Oradan yillar o’tadi. Ish tavba ostonasiga

yetadi. “Har vaqt tavba dag‘dag‘asi xotiri”da yurgan Bobur hijriy 933-yili tavba etadi. “Bobur ayni o‘shal fursatda nafs ustidan buyuk g‘alaba qozonadi – ichkilik balosini yengadi”.

## ZAMON O‘LCHOVI

Tarixiy-biografik asarlarda zamon va makon chegaralari tanlangan tarixiy shaxsning hayotiga ko‘pincha mos keladi. Bu tabiiy hol Ammo adabiyot olamidagi tarixiy asarlar turli asoslar ustiga quriladi. Inson aqli bilan chegaralangan zamon – eralar, asrlar, yillar, fasllar, oylar, haftalar, kunlar, soatlar... kabi ko‘lamli astronomik tizimni tashkil etadi. Ijod ahli yuz bergen voqelik tasvirida – vaqt ifodasida astronomik tizim unsurlaridan turlicha foydalanadi. To‘g‘risi, badiiy asarda zamon – vaqt fizikaviy mazmundan adabiy-falsafiy mohiyatiga ko‘chadi. Zamon tushunchasining aniq bo‘lagini kun va tun – yigirma to‘rt soat tashkil etadi. Bu hisob uchun quyosh harakati, aniqrog‘i, yerning o‘z o‘qi tegrasida aylanishi asos sanaladi. Ijodkor zamon tasvirida quyoshning chiqishi, botishi yoki soat millarining chopishiga e’tibor beradi. Abdulla Qodiriy romanlarida kunlik vaqtning “quyosh botgan”, “sahar payti” yoki “bu kun soat o’n ikkida...”, “hozir soat kechki yettilar

<sup>1</sup>Xayriddin Sulton. “Boburiynoma”. –T.: “Sharq”. 1997-y, 100-110-betlar.

bo'lib qolgan...”, “kechki soat to'rtlarda...” tarzidagi ifodasi onda-sonda kuzatiladi. Goho shu tarzdagi ifoda davomidan maxsus izoh qo'shiladi: “... quyosh botqan, tevarakdan shom azoni eshitiladir”, “sahar vaqt turib choy ichdilar. Subh namozini o'qub, arava qo'shildi”, “Kechki soat to'rlar, asrdan bir oz ertaroq hukumat askari bilan xalq orasida urush boshlandi...”. Vaqtning ifodasi uchun “shom azoni” (shom vaqt), “subh namozi” (bomdod vaqt), “asrdan bir oz ertaroq” (asr vaqt) tarzidagi izoh, ya'ni kunda farz o'laroq besh mahal ado qilinadigan namoz vaqtı Abdulla Qodiriy romanlarida individual ma'no va poetik-kategorial mohiyat kasb etadi; adib kunlik vaqt qismlari uchun namoz atamalarini tanlaydi.

Abdulla Qodiriy qalamiga bunday tasvir yo'sini o'z ajdodlarning adabiy tafakkuridan o'tgani, ayni damda, “Boburnoma” bulog'idan suv ichgani tabiiy ko'rindi. Chunki “Boburnoma”da hodisa bo'lgan yil, oy, hafta, kun va hatto ko'pincha o'sha kunning aniq mahaligacha tiniq bitiladi. Masalan Bobur: “Axsidin namozi jum'a vaqtida chiqib, Bandi Solor yo'li bila namozi shom bila namozi xuftan orasida Andijong'a keldim” (32-bet) deb zamonni namoz vaqtiga bog'lab yozadi. “Boburnoma”ning har bir sahifasida, yuzlab o'rirlarda “namozi bomdodni o'tab”, “namozi peshindin so'ng”, “namozi digargacha”, “namozi

digarga youuq”, “namozi digarda”, “namozi digar bila namozi shom orasida”, “namozi shomg`acha”, “namozi shomg`a yaqin”, “namozi shomda”, “namozi shom bila namozi xuftan orasida”, “namozi xuftang`acha”, “namozi xuftanda”, “namozi xuftandin kechroq” kabi ta'birlar uchraydi. Ba`zan Bobur falon kuni “sabohi”, “oftob bir nayza bo`yi chiqib”, “oftob chiqqanda”, “oftob o`lturur mahal” deganicha quyoshning harakati va boshqa vaqtlargaga ham diqqat qaratadi. “Boburonoma”da ulkan vaqt butunligi, uning qismlari hamda kunlik vaqt o`lchami muayyan tizimga solingan, albatta.

Qiyoslanayotgan asarlardagi bunday o`rirlarga har ikki adib shuuridagi tabiiy sezim va tuyg`ular ifodasi, imon-e`tiqodli qalam egalarining bayon usuli sifatida qarash o`rinlidir. Qolaversa, zamonga mos o`lchamlar izmida qahramonlarning harakat qilishi hamda ularning tafakkur va tasavvuriga uyg`un ifodalanishi ham har qanday asarning qadr-qiyomatini oshiradi.

## KITOB – VOSITA

Yaxshi kitob – inson umrining ziynati. Bobur va Abdulla Qodiriydek allomalar yozgan kitoblar esa insoniyatning ma`naviy mulki. Odamlarning madaniy-ilmiy, ma`naviy-ma`rifiy darajasini ular o`qigan kitoblar belgilaydi. Taqdir Alisher Navoiyni

6-7 yoshida “Zafarnoma” muallifi Ali Yazdiyga ro’baro’ qiladi. Mo’ysafid tarixchi bilan bola Alisher o’rtasida savol-javob bo’lib o’tadi. Shunda mo’ysafid alloma boladan o’qigan kitoblarini so’raydi. Navoiy “Mulk”kacha ta’lim olganini aytadi. Yoshligida “Mantiq ut-tayr”ni yod bilgani barchaga ma’lum. Tabiiyki, tarixiy kitoblardagi bunday ma’lumotlar tarixiy shaxslar ma’naviy dunyosini ko’rsatadi; ular qiyofasiga mahobat bag’ishlaydi. “Boburnoma”da o’z davrining mashhur akobirlariga baho berilar ekan, ular yozgan yoki o’qigan kitoblarni esga oladi. Alisher Navoiyga ajratilgan betlarda “Xamsa”, “Lison ut-tayr”, “G’aroyib us-sig’ar”, “Navodir ush-shabob”, “Badoe’ ul-vasat”, “Favoyid ul-kibar”, “Mezon ul-avzon” kabi barcha asarlarini sanab o’tiladi. Bobur “Boburnoma”da Alisher Navoiydan boshqa biror shaxs ta’rifida bunday “ko’b va xo’b” - keng ko’lamli to’xtalgan emas.

Otasi Umarshayx Mirzoni ta’riflar ekan yozadi: “Ravon savodi bor edi. “Xamsatayn” va masnaviy kitoblarini va tarixlami o’qur edi. Aksar “Shohnoma” o’qur edi. Tab’i nazmi bor edi, vale she’rg’a parvo qilmas edi” (10-bet). Zamondoshlaridan ba’zilariga “Hamisha Mus’haf kitobat qilur edi” deb ham ta’rif beradi. Umuman olganda zarurat yuzasidan qaysi bir mashhur ulamo yoki tarixiy joy ta’rifi jarayonida “Sahihi Buxoriy”, “Hidoya”, “Temurnoma”, “Fathnoma”,

“Zafarnoma”, “Iskandarnoma”, “Shohnoma” kabi mo’tabar kitoblar esga olinadi. Buning natijasida o’sha inson yoki makonning ta’rif-tavsifi teranlashib, ularga tegishli tasavvur oydinlashadi. Memuar asarda tarixiy ma'lumot sifatida bunday unsurlarning mavjud bo’lishi tabiiy. Biroq dunyo adabiyotidagi badiiy asarlar tarkibida eslanadigan mashur kitoblar muayyan badiiy funksiyani bajaradi. Otabekning “Boburnoma” o‘qishi bejiz emas. Abdulla Qodiriyning boshqa qahramonlarini ham ma’lum va mashhur kitoblardan nasibador qiladi. Deylik, Yusufbek hojiga Qur’oni karim va “Daloyil ul xayrot”ni, oshiqlarga Fuzuliyning “Devon”ini o’qitadi. Ra’nosi esa Navoiy, Fuzuliy, o’zlariga zamondosh shoirlardan Amiriy bilan Fazliy Namongoniyni o‘qigan. Qodiriyning ikkinchi romani “Chayonning namoyishi” faslida masjidagi hujralardan biri tasviri keladi. Hujra tokchasiga “Sharh mulla Jomiy”, “Aqoidi ma’alhavoshiy”, “Hikmatul ayn”, “Al-viqoya”, “Siyari sharif” kabi mo’tabar kitoblar taxlab qo’yiladi. Kalonshoh mirzo, Shahodat mufti, Abdurahmon domla shu kitoblarni o‘qiganmi - o‘qigan emasmi? Adib ularning qo’llariga bu kitoblarni tutqazmaydi. Tokchaga taxlab qo’yadi. O‘qilmagan kitob ochilmagan tilsim. O‘qiganlar bilan o‘qimaganlar hech qachon bir-birlari bilan teng kelmaydi. O‘qiganlar olim, ulamo bo’ladi.

o'qimaganlar ko'ngliga shayton oralaydi,  
g'iybat-u g'urbatlar bilan mashg'ul bo'lishadi.

Sarlavha. Adib romani uchun nom tanlashi xususida ham bir fikr bor. Mutaxassislar orasida "O'tkan kunlar"ni Abdulla Qodiriy tatar adibi Olimjon Ibrohimovning "Bizning kunlar" romani nomiga uyqash qo'ygan, degan gap bor. Holbuki matnda aniq bitilgan bir juft so'z, "Boburnoma" mutolaasi tufayli adib shuuriga muhrlanib qolmaganmikin, degan fikr keladi. Sarson-sargardon kezgan 1502-1503-yillar voqealari oxirida Bobur shunday yozadi: "O'shal zamon otlanib, Andijon tarafig'a yuruy berdik. Ikki kun bo'lub erdikim, hech taom yemaydur edim. Namozi peshin bo'lub edikim, bir qo'yni topib kelib, bir yerda tushub, o'l turub, kabob qildilar. O'shal kabobdin to'yg'uncha yedim. Andin so'ngra otlanib besh kunluk yo'lni ikki kecha va kunduz ilg'or qilib kelib, Andijong'a kirib, ulug' xon dodam va kichik xon dodamni ko'runush qildim va o'tkan kunlarni tamom bayon qildim" (108-bet). Roman mavzusini "yaqin o'tkan kunlar"dan tanlagan Abdulla Qodiriy ham Turkiston o'tmishini, Qutidor eshididan quvilgan Otbekni xayolan o'tkan kunlariga qaytaradi; so'ngra adib o'z qahramoniga uning "o'tkan kunlarini zahar bilan bulg'ab kelgan" mudhish dushmanlarini tanitadi va manzarani tiniqlashtirib voqelikni- imkonli boricha batamom rostlik rutbasida bayon qiladi.

## TUGANCHI

Har ikki adib asarlarida bundan boshqa ham qiyoslashga munosib o'rinalar ko'pchilikni tashkil etadi. Deylik, "Boburnoma" matnida ba'zan biror voqelik yonida oyat va hadislardan parchalar keladi. Abdulla Qodiriy mumtoz epik an'anaga mos ravishda o'z asarlarining ayrim sahifalarida zamona hazmi ko'targuncha "Har bir narsa o'z asliga qaytadi", "Alloh sabr qilguvchilar bilan birgadir", "Agar bir qavmning ishi noahil odamg'a topshirilg'an bo'lsa, bas, o'shal qavmning qiyomatini yaqin bil", "Har ishning o'rtachasi yaxshi", "Qanoatli aziz, ta'mali kishi xordir" kabi ayrim oyat va hadislarni qo'llaydi.

Yoki: "Boburnoma"da shoir ko'ngilli Bobur shijoatli fotih qiyofasiga evrilganda "kalla minor"lar tiklashni buyuradi. "O'tkan kunlar"da ham "inson boshidan turg'uzilg'an" ayrim tepaliklar ko'zga tashlanadi. Bu kabi mavzular qiyosi uchun yana bir necha sahifalarni qoralash mukin...

Xullas, Abdulla Qodiriy ruhiyati, adabiyestetik konsepsiysi, odam va olam xususidagi qarashlari Zahiriddin Muhammad Bobur ruhiga yaqin turadi. Har ikki adib fitratidagi mardlik, jasorat, to'g'rilik, haqgo'ylik, mahorat, iste'dod kabi fazilatlar o'zaro uyg'un keladi. Tarixning juda olis qa'ri va yaqin o'tmishtagi dili, maslagi,

tili, yuragi bir bo'lgan adabiy siymolar ma'naviyat maydonidan yonma-yon turishadi. Dunyo va borliqqa doir qarashlari yaqin ijodkorlar oradagi masofa qanchalik uzoq bo'lmasin, so'z san'atining poetik xususiyati va metaforik tabiatiga ko'ra ular adabiyot tilida bemalol gurunglasha oladi. Zero, ularning g'oyibona adabiy suhbatlari, ma'naviy robita va ruhiy bog'ichlari juda tabiiy tuyuladi.

**ИККИ ДАҲО - ИККИ БЕБАҲО**

**(БОБУР ВА ҚОДИРИЙ)**

**Баҳодир КАРИМ**

Тошкент-2020

## **МИТТИ МУҚАДДИМА**

Абдулла Қодирий романларининг бетакрор жозибаси, тилидаги гўзаллик, образлилик, ано-куватнинг илдизи, юзага келиш омиллари ҳамда таъсир асосларини кузатиш фойдалидир. Абдулла Қодирий дунё адабиётини, ўзбек халқининг миллий рухини, фольклорини, шеваларининг лексик бойлигини чукур билгани, XX асрнинг 20-йилларида қайта шаклланган замонавий ўзбек адабий тили учун бекиёс хизмат қилгани ҳақиқат. Адибнинг “Ўткан кунлар” романи бошида тилга олинган “Тоҳир – Зухра”, “Чор дарвиш”, “Фарҳод – Ширин”, “Баҳром гўр” каби кўплаб мумтоз асарларни ўқиганига ҳам шубҳа йўқ, албатта.

## “БОБУРНОМА” ЎҚИЁТГАН ОТАБЕК

“Ўткан кунлар” романининг “Мажбурият” фаслида шундай эпизод бор: “Кечлик ошни ўтказгач, Ҳасанали ўз хужрасидан кийиниб чикди-да Отабек ёниға кирди. Отабек “Бобурнома” мутолааси билан машғул эди”. Ҳасанали асил ниятини билдирамай “ҳаммомга бориш” учун рухсат сўрайди. Отабек кўзини китобдан узмай: “Юмишим йўқ, бораверингиз”, деб жавоб беради<sup>1</sup>. Машҳур китоблар орқали қаҳрамонни баланд мақомга қўтариш, уларнинг маънавий оламига урғу бериш, аниқ детал воситасида образга маҳобат бағишлиш дунё адабиётида ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ҳам, шунингдек, Абдулла Қодирий ижодий биографиясида ҳам мавжуд адабий ҳодисадир. Отабекнинг “Бобурнома” мутолааси “Ўткан кунлар” илдизи устида фикрлашга, тасвирдаги ички манера, сўздаги ростлик, характер мантифи, инсон шакли-шамойили, айникса, романнинг поэтик нутки - тили тўғрисида айрим мулоҳазалар айтишга имкон беради. Тасаввур кўлами “Бобурнома” матнистони бўйлаб кенгаяди.

<sup>1</sup>Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар. Мехробдан чаен” Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти. – Г 1994 й. 37-38-бетлар. (Кейинги кўчирмалар шу манбадан олинади ва сахифа рақами кўrsatilади).

Адиб бошқа асарларида ҳам бу муazzам китоб ва унинг эгасини эслайди. Бобурга “фотих” – фатҳ этувчи сифатини беради; “Бобурнома”-ни: “Бобурнинг кенг рухлик, ўз замонига очук фикрлик...” китоби, дейди. Курдошлари билан баҳслашган бир масалада “Бобурнома”дан “далиллар келтурмак”ка чогланади<sup>1</sup>. Тарихий манбалардан маълумки, қатоғон – “дапсан” йиллари Абдулла Қодирий иккинчи марта қамоққа олинганида кутубхонасидаги етмишдан ортиқ араб имлосида ёзилган мумтоз китоб йиғиштирилади. Шулар қатори “Бобурнома”нинг олиб кетилгани аниқ.

Хўш, нега Абдулла Қодирий ва “Ўткан кунлар” мавзусидаги фикр йўли Бобур ва “Бобурнома” тарафга бурилмоқда? Нима учун Қодирий ижодидан, асарлари, таржимаи ҳоли, хотира китоблари, қодирийшуносларнинг асарларидан Бобур ва “Бобурнома”ни излаб колдик? Тўғриси, реал воқелик замирида туғилган митти интуиция – ички сезим янги фикрга замин ҳозирлайди; одам беихтиёр тафаккур офтобида пишиб етилган битта мулоҳазани далиллаш ва унга бошқаларни ишонтиришни истайди. Адабиётшунослик Абдулла Қодирий романларининг шуҳрати, таъсир кучи, тасвир

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. “Дизери бакр” – Т: “Янги аср авлоди” наприести. 2007 й. 106-бет.

тиникилиги ҳамда, тилининг гўзаллигига урғу берди. Энди бундай фазилатлар илдизини ҳам тадқиқ этиш лозим. Истебдодли адиб ўзбек, рус ва жаҳон адабиётидан, шунингдек ҳалқ оғзаки ижоди ва ҳалқнинг жонли тилидан баҳраманд бўлган. Бунга шубҳа йўқ. Фикримча, ушбу баҳрамандлик илдизининг бир кирраси “Бобурнома”га бориб тақалади. Шунинг учун “Бобурнома” билан “Ўткан кунлар” орасидаги поэтик боғламни(боғичларни) таққослашга зарурат сезилади. Абдулла Қодирий эпик тафаккур тарзи, насрининг бадиий жозибаси, гўзал тили қуп-қуруқ саҳрода ўз-ӯзидан пайдо бўлгани йўқ. Текис саҳрода ҳайбатли тоғ ўсиб чиқиши учун ўша ер остида қайноқ вулқон булоқлари бўлиши шарт. “Ўткан кунлар” романи учун “Бобурнома” шундай булоқлардан бири вазифасини ўтаган бўлса не ажаб?!

## “СЎЗ УРИНДИ, СЎЗДАН – СЎЗ ЧИҚДИ”

“Кўч”нинг кўлами: Бадиий асар ўқилиб, адабий матнга эврилар экан, ундаги семиотик элементлар – товуш, бўғин, сўз каби увок үнсурлар поэтик ғоя ва мантиқ воситасида бирлашиб муҳташам семантик майдонни бино қиласи. Матн ичидаги сўз тирилади, товушлар жонланади; сўзнинг қадр-қиймати ортади ва маъноси кенгаяди. Турли замонда яшаган икки

адиб қўллаган нодир, очқич-калит сўзларнинг ўхшашлиги, такрори ва маъно уйғунлиги типо-логик-интуитив таққосга асос беради. “Бобурнома” – кўпмаъноли, серқатлам ва ўлмас асар. “Бу муazzам асарнинг ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин<sup>1</sup>”. Дарвоке, “Бобурнома”да қўлланган бир қанча нодир сўзларни Абдулла Қодирий “Ўткан қунлар”да ишлатади; ўз ўрнига тушган жонсўз романга жозиба бағишлиайди. Бепоён стилистик майдондаги битта сўзнинг ассоциатив таъсири олтин занжир ўлароқ асрларни асрларга, адибларни адибларга, асарларни асарларга боғлади.

Эсга оламиз: Отабекнинг кутидор эшигидан кувилиб, Тошкентда нисбатан узок қолиб кетган қунларининг бирида Ҳасанали ундан Марғилонга кетмай юриши сабабини сўрайди. Отабек: “Ҳавсала йўқ”, дегач: “Кайин отангиз кўнса, кўчингизни олиб келсангиз ҳам маъқул эди қатнаб юрғандан...” (283-бет), дея таклиф айтади. Бу ўринда “кўч” – хотин, оила маъносида. Ўзбек ойим Офтоб ойим билан Кумушга қараб: “Ахир маним ҳам ўзимга яраша обрўйим бор. Тошкандда кимсан, Юсуфбек ҳожи деганинг кўчиман. Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб бизга меҳмон бўлдилар...”(325-бет), деб гина қиласди.

<sup>1</sup>Хайрийдин Султонов Бобурнинг түшлари. –Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993 й. 230-бет.

Айнан “Бобурнома”да ҳам “күч” сўзи “оила, хотин” маъносида келади. Бобур 1497-1498 йил воқеаларида ёзди: “Беклар ва ичкилар ва йигитларким, менинг била колғонларнинг күчлари Андижонда эди”. Бошқа мисолларга қараймиз: “Менинг онамни ва улуғ онамни ва баъзи менинг била колғонларнинг күчлари била Хўжандка менинг қошимға йибординлар” (52-бет); “Менинг волидаларим ва күч ва улуғларим мен Андижондин чикғандин сўнгра юз ташвиш ва машққатлар била Ўратепа келиб эдилар...” (77-бет); “Ушбу кун Мулло Алихонким, Самарқандға кўчини келтурғали бориб эди, келиб мулозамат қилди” (218-бет). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “күч” сўзининг “1. кўчиш пайти ташиладиган уйрўзгор буюмларидан иборат юқ” ҳамда “2. ахли аёли, хотин (эрига нисбатан)” тарзида изоҳланган<sup>2</sup>. Эрининг уйига ота уйидан кўчиб ўтгани учун ҳам ўтмишда хотин “күч” деб аталган.

“Захириёнин Мухаммад Бобур “Бобурнома” – Т: “Юлдузча” наприёти 1989 й. 52-бет (Кейинги кўчирмалар шу манбадан олинади ва сахифа раками кўрсатилади). Рус тилига ҳам “күч” сўзи “оила” (семья), “оила аъзолари” (домочады) деб гаржима китинади “Семьи большинства оставшихся при мне беков, внутренних приближенных и йигитов находились в Андиджане” “Бабурнаме” –Т 1993 г; Стр 78)

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдлик “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат истимий наприёти. 2 жилд –Т: 2006 й. 476-бет.

Буйрук феълининг “кўч” шаклидан фаркли ўлароқ ҳозирги ўзбек адабий тилининг от сўз туркумнида “кўч” ёлғиз қўлланмайди. Кўпинча жуфтлашиб “кўч-кўрони” тарзида Луғатдаги изохнинг биринчи маъносига мос ишлатилади.

Ҳозирда “кўч” сўзини “оила, хотин, бола-чака” маъносида ишлатиш оғзаки нутқда ҳам, ёзма адабиётда ҳам кузатилмайди. Тасаввуримизча, “Бобурнома”даги “кўч”лар семантик жиҳатдан Абдулла Қодирийнинг “кўч”ларига уйғун келади.

Отдан қўнган одам. Бугунги ўзбек адабий тилида “кўнмок” деганда, энг аввал, кушларнинг дарахтга қўниши эсга келади. Шу ўзак-масдардан ясалган “кўнок” эса “мехмон”-ни англатади. Ҳар икки сўз маъно-мазмунидан учиб келиб “кўниш” ёки йўлда кетаётган одамнинг бирор манзилда тўхташи-“кўниш”и идрок этилади. Бобур 1499-1500 йилги воқеалар баёнида: “Зулқаъда ойида Самарқанд устига черик отланиб, ора икки қўнуб, Кубоға келиб туштук” (70-бет), деб ёzáди.

Тўққиз юз тўққиз ҳижрий йил воқеалари баён этилган сахифаларнинг бири. Кобулни “бежангуд жидол” эгаллаган Бобур вилоят таърифидан кейин ёzáди: “Шаъбон ойида офтоб далв буржида эрдиким, Кобулдин Ҳиндустан азимати била отланилди. Бодом чашма Жигда-

лик йўли била ора олти қўнуб Одинапур келилди” (132-бет). “Бобурнома” матнида: “кечаси анда қўнуб, тонгласи ўрдуға келдим”, “орада бир қўнуб”, “уч орада қўнуб”, “икки қўнуб”, “ора тўрт қўнуб” каби сўз бирикмалари кўп учрайди. Бундай таъбирлардан Бобурнинг ўзи ва унга йўлдош йўловчиларнинг истироҳат манзили ҳамда ҳаракат йўналиши тасаввур қилинади.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”да қаҳрамонларининг каергадир бориб етганини, “отдан қўнгани”, дам олиб, сўнгра йўлида давом этганини тасвиrlайди. “Қўниш”лар сони маъно ташийди. Йўл машакқати, оралиқ масофа, ҳатто кайфиятни ҳам ифода этади. Тошкент билан Марғилоннинг ора йўлида кўп қатнаган Отабек одатда “тўрт марта отдан қўниб” манзилига етиб борар эди. Бу нисбатан киска фурсат эканини, ҳар гал шитоб билан Кумуш дийдори учун Отабекнинг шошиб боришини ўкувчи кейинрок фаҳмлайди. Чунки Зайнабга уйланиш гапи ўртага чиққач, Отабек Марғилонга “бу гал олтинчи қўнишда” кириб боради ва “теваракдан аср азони эшитилган вактда отдан қўнади”. Табиийки, ота-она қилиб қўйган “бир иш” Отабек кўнглига ўтиrmайди. Шу боис кайфияти бузилган, хаёллари тўзғиган Отабек йўл бўйи келгуси турмушини, Кумушнинг юзи-қўзига қандай карашини ўйлаб боради. Отини ўз

эркига қўйиб беради, Марғилонга шошилмайди...” Романинг бошка саҳифаларига назар ташлаймиз: “Дарвоке, қўрбоши ўзининг икки йигити билан етиб келди ва отидан қўниб жиловини йигитининг қўлиға” берди (67-бет); “Азизбек ўрда ичига кирмакда экан, Юсуфбек хожи отдан қўниб сўради: – Менга рухсатми, бек?” (86-бет). “Отдан тушиш” бирикмасидан қўра ора-орада ёзувчи нуткида келадиган “отдан қўниш” бирикмасидан тарих муҳити – ўтмиш колоритига хос мазмунни англаш мумкин.

Умуман, “Ўткан кунлар” романининг поэтик илдизи, жумладан, бадиий нутқ ҳам шундай кўз илғамас нафис боғичлар билан “Бобурнома”га бориб боғланади. Зеро юкоридаги таккосларга мос равишда “копу”, “мусаххар”, “тараддуд”, “ёғий”, “мухосара”, “ўбдон”, “ўрда”, “кўргон”, “тунқатор”, “хон”, “бек”, “навкар”, “офтобачи”, “милтиқ”, “найза”, “тўп”, “жароҳат”, “иситма” каби ўнлаб тарихий сўзларга ҳар икки асаддан етарлича мисол топилади. Умри жангу жадаллар билан кечган шоҳ Бобур қўшпн, аскар, уруш анжомлари баёни ва уруш санъати тавсифида бундай сўзларини табиий қўллайди. Айни дамда “Ўткан кунлар”да Абдулла Қодирий бир миллатнинг икки уруғи – корачопонлилар билан кипчоқлар ўртасидаги тўқнашув ва муҳоса-

раларни тасвиirlар экан, ўзигача салафлари ишлатган сўзлардан жуда табиий ва ўринли фойдаланди. Бундай сўзлар Абдулла Қодирий романларида ўзбекларнинг яқин ўтмишдаги хаётининг ҳаққоний тасвири учун хизмат килади. Матн ичидаги тирик сўз одамга тинчлик бермайди: турланади, тусланади, тилсимланади, сўнг сири очилиб сочилади. Дейлик, мутолаа жараёнида “ёмғир” ва “ёв”, “камал” ва “кабоқ” каби ўзаро узок сўзлар яқинлашади, бир ўзакда бирлашади.

## ШАКЛ ВА ШАМОЙИЛ ТАВСИФИ

Ёзувчилар мақсади ва маҳоратларига кўра турли йўсинда каҳрамонларининг ташки кўриниши – портретини чизади. Ташки киёфа белги-штриҳларини образларнинг ички олами билан уйғунлаштиради, баъзан каршилантиради. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романни бошида Кумуш киёфасини “қоп-кора камон, ўтиб кетған нафис, кийиғ кошлари”ни, “тўлған ойдек ғуборсиз ок юзи”ни, яъни “киз суратида кўринган малак” сиймосини қуюқ, нафис ранглар уйғунлигига (29-бет) нисбатан кенг, Ўзбек ойимни “элли беш ёшлар чамалик, ча-ла-думбул табиатлик” (129-бет) тарзида киска тавсифлайди. Бирок адаб бошка образлар пор-

третини бир жойга жамлаб, жуда тиғиз баён қиласы. Отабекни “оғир табиатли, улуғ гавдали, күркем ва оқ юзли, келишган, кора күзли, мутаносиб кора қошли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит” (7-бет), Юсуфбек хожини “тұла күркем юзли, катта малла күзли, узун мош-гурч соқоллик мулланамо бир зот” (82-бет), Заңнабни “үн етти ёшлар чамалик, кулча юзлик, оппокқина, ўртача хуснлик” (158-бет), Уста Алимни “кирк ёшлар чамалик, консиз юзлик, сийраккина соқоллик, күй күз, күп вакт мадраса риёзатини чекканнамо, қотма, узун бўйлик” (186-бет), Ҳасаналини “олтмиш ёшлар чамасида, чўзиқ юзлик, дўнггироқ пешаналик, сариққа мойил, тўгарак кора күзлик, оппок узун соқоллик” (8-бет), Ҳомидни “узун бўйлик, кора чўтирик юзлик, чағир күзлик,чувок соқол, ўттуз беш ёшларда бўлған кўримсиз бир киши” (8-бет), Үтаббой қушбегинии “тұла юзлик, ўсиқ кошлиқ, оғир қарағучи күзлик, сийрак соқол, ўрта бўйлик, устидан кимхоб тўн кийиб, белига килич осқан кирк беш ёшлар чамасида бир киши” (69-бет), Азизбекни “...бошига оқ шохидан салла ўраган... сийрак кошлиқ, чўқки соқол, бугдой ранглик, кирк беш-элли ёшлар чамалик бир киши” (81-бет), Райимбек додхони “жин ялаган деганларидек қошсиз, кормитил юзлик, икки чакагининг устида бир оз,

иягыда бир оз сийрак, күримсиз қора соколлик, күзлари ичига ботиғрок, аммо қон қуйилғансу-мон бир киши” тарзида (81-82-бетлар) киёфаларни бирини бирига үхшатмасдан индивидуал тасвирлайды. Бу поэтик усул романдағи бошқа образларнинг шакл-шамойили, хулқ-автори ва рухияти тавсифида ҳам кузатилди. Ташқи шакл-шамойил тасвирида қўлланган сўзлар маъно туисидан ёзувчининг ўз образларига нисбатан меҳр-муҳаббати ва тескари муносабати – симпатия ва антипатияси сезилади. Қиёфаларнинг бадиий-эстетик таъсири ўкувчи кўнглига кўчади. Ўкувчи тасаввурида қиёфалар жамланиб, Абдулла Қодирний “адабий мамлакати”нинг фуқароларига айланади; романда туркум образлар пайдо бўлади. Гарчанд тарихий-мемуар деб номланса ҳам, бундай қисқа, аниқ ва лўнда поэтик тасвир усули “Бобурнома”га хос. Бобур отаси – Умаршайх Мирзо тўғрисида: “Паст бўйлиқ, тегирма соколлик, қўба кўзлик, танбал киши эди”, деб ёзади (9-бет). Асаддаги кўпгина шахслар “шакл ва шамойили” учун маҳсус ўрин ажратилади. Султон Аҳмад мирзони: “Шакл ва шамойили: баланд бўйлук, қункор соколлик, қизил юзлук, танбал киши эди. Соқоли энгакида эди. Икки янгоқида соқоли йўқ эди. Бисёр хушмуховара (гапга чечан-Б.К.) киши эрди” (19-бет), деса, қирқ уч ёшида вафот этган

Султон Махмуд мирзони “паст бўйлук, суюк соқоллик, танбал, синчисизроқ киши эди”, деб тавсифлайди (26-бет). Бошқа бир сахифадан “Одилий” тахаллуси билан ижод этган ва битган ғазаллари Самарканнинг “шакл ва шамойили”га: “улуғ кўзлук, қўба юзлук, ўрта бўйлук, туркман чехралиқ, малоҳатлик йигит эди”, дея таъриф беради (63-бет). Бобур шакл-шамойил, ташқи қиёфа характеристикаси ёнида ҳар бир инсон табиати ва ички оламига тегишли “покиза эътиқодли”, “одми ва фақир киши эрди”, “таъби назми бор эрди”, “фосик киши эрди”, “муттакий киши эрди”, “золим ва кофирваш киши эрди”, “кулагач ва ҳаззол киши эрди” каби сифатлар билан маънавий хулқини ҳам очиқ ёзади. “Бобурнома”дек мўътабар асарнинг ҳақконий тасвир услуби, эҳтимол Абдулла Қодирийга манзур бўлгандир. Қодирий шунос профессор Умарали Норматов “Қодирий мўъжизаси” китобида: “Ўтмишда яратилган талай асарлардаги, жумладан “Бобурнома”даги реалистик хусусиятларни асло камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, “Ўткан қунлар”да ўзбек халқи ҳаёти илк бор ўзининг тўлаконли реалистик ифодасини топди”, деб таъкидлайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Норматов У. “Қодирий мўъжизаси” китоби. –Т: “Ўзбекистон” наприёти. 2010 й. 195-196-бетлар.

## ОДИМЛАР ВА ҚАДАМЛАР

Самарқанд шаҳрининг бунёди, шуҳрати, ҳудуди, теварак-атрофи, қамровининг кенглиги тўғрисида “Бобурнома”да шундай маълумот бор: “Рубъи масқунда Самарканча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эрди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахти қилғон эмастур. Қўргонини, фас(и)лнинг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти” (43-бет).

Бобур масофа ўлчови учун асосан “курух”ни қўллади. Самарқанддаги Охинин дарвозаси ёнидаги бир жомеъ масжидидан гап очади; унинг пештоқига “Ва из ярфаъу Иброҳим ал-кавонада (ило охириҳи)” оятининг маҳобатли катта-харфлар билан ёзилганига дикқат каратаб: “андок улуғ хат била битибтурларким, бир курух ёвук ердин ўқуса бўлур”, деб таъкидлайди.

Хўш, бу “курух” кандай бирлик? Жавобини Бобур ёзади: “Бу куруҳларни мил била мувоғик таъйин қилилди. Нечукким, “Мубаййин”да мазкурдурлар:

*Тўрт мингдор қадам била бир мил,  
Бир куруҳ они Ҳинод эти дер, бил” (323-бет).*

Бир “мил”га тенг “курух”ни бошлаб от қадами, сўнгра одам қадами билан ўлчанган масофа ҳам тасаввур этишга ёрдам беради. Ўн бир ярим курух масофа от қадами билан “йигирма уч мингу бир юз”, одам қадами билан ҳисобланганда “кирқ олти минг икки юз” одим бўлади. Бобур ёзди: “Буюриб эдимким, Мунирдин ёнғонда бир киши Сўннинг ёқасидин отининг ҳар қадамини ўрдуғача санасун, - йигирма уч мингу бир юз санабтурким, кирқ олти минг икки юз қадам бўлгайким, ўн бир ярим курухдур” (338-бет). Худди шунга ўхшаб, “Ўткан кунлар” романида ровий сизни етаклаганча Марғилон ўрдасининг атрофини қадамлаб чикади. “Хозир бизга ўрда ичига кириш мумкин бўлмағани учун қўрғоннинг ташқари теграсида айланиб турайлик: дарвозанинг сўл бикинига қараб икки юз одим кетсак қўрғон девори тугалаб, бурчга етиладир... Шундан кейин бир бўшлиқ ер билан қўрғоннинг жанубига қараб кетиладир. Тўрт юз одимлаб борилгач, қўрғоннинг шарқи-жануби бурчига етилиб, бу бурчини ҳам ановисидай қоровулсиз топиладир. Бу бурчдан караган кишига қўрғоннинг гарби-жанубий бурчи ҳам кўриниб, шу йўсунда ўрданинг тўрт бурчини айланиб чиқилса бир минг олти юз одим босилған бўлиб ўрданинг гарб томонидан биз танишған ўрда дарвозасига келинадир” (67-бет).

Ўрданинг ичига киришдан олдин ташқи кўри-нишига эътибор берилади. Бундан ташқари ёзувчи зарурат юзасидан баъзан “элли-олтмиш одим” юради. Тошкентнинг Камолон дарвозасидан Самарқанд дарвоза томонга қараб “беш юз одим” ташлайди. Бошка бир саҳифада адаб масофани худди Бобур Мирзодек от қадами билан ўлчайди: “Бошлар уюми билан Азизбек ораси кирқ-элли от одими колган эди” (82-бет). Адаб Кўкон ўрдасининг атрофини айланмайди. Бунинг ўрнига “бу ўрданинг ҳам ташқариги айланаси ўша ўрда қабилидан бир тусда, бир услуб ва бир вусъатда бўлғанликдан бу ўринда яна коғоз коралаш ортиқчадир” (112-бет) деб гапни қисқа қиласи; ўрданинг курилиш услуби ва кенглиги Марғилон ўрдасига ўхشاшидан хабар берилади. Турли тарихий даврларда оралик масофани, узунлик ёки йўлни ўлчаш учун йигоч, аршин, газ, кариш, метр, километр каби физик ўлчов бирликлари ишлатилган. Аммо “Бобурнома” билан “Ўткан кунлар” муаллифлар ўрда ва қўргонлар атрофини кўпинча қадамлаб чикишади ёки отларини одимлатиб ўлчашади.

## ЖОН ҚАДРИ – УМР МАЗМУНИ

Ҳар қандай асаддаги ишқ-муҳаббат, ҳаёт ва ўлим, турмуш зиддиятлари ҳамда, инсонлараро тўқнашувларнинг баёни ҳеч кимни бе-

фарқ колдирмайди; умр мазмуни, жон қадри, дунёга келиш ва ундан кетишга тегишли ҳаётий ҳикматлар эса бадиий асарнинг фалсафий мазмунини бойитади. “Бобурнома” ва “Ўткан кунлар” саҳифалари шундай ўгитлардан холи эмас. “Ўткан кунлар” романида орадан ўтган йиллар суронига боқиб Мирзакарим қутидор: “Умр – отилған ўқ эмиш” (15-бет), дейди; аслида умр мазмуни устида фикрламайдиган, ҳаёт моҳиятини ўйлаб кўрмаган одам кам бўлади. Зеро, ватан, ишқ-мухаббат, ҳаёт, ўлим, садокат, дўстлик, инсоннинг дунё караши бадиий ижоднинг доминант мавзулари саналади. Рус адиби Лев Толстойнинг: “Агар инсон фикрлашни ўрганган бўлса, нимани ўйлашидан катъий назар – у ҳамиша ўлим тўғрисида фикр юритади”, мазмунли гапи бор. Жон қадрини, синовли дунё ўткинчилигини, имтиҳонни, ўлимни эслаш – ўзлигини анлаган ориф инсонга хос фазилат. Бобурнинг бошига турли кўргиликлар ёғилиб, омад ундан юз ўғирган ва душмани Аҳмад Танбал одамлари изига тушиб таъкиб этган, шоир ўз таъбири билан айтганда “иш тадбирдан ўтган” кунларнинг бирида у: **“Оlamda жон вахмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш”**, деб ёзади (107-бет). Бобурнинг реалистик тасвиirlари, икрорлари, ҳақгўйлиги, типирчилаб турган

Тоғрикий М. Портреты. “ЖЭЛ”. 1967 г. Стр. 123.

юрагини кўшқўллаб ўқувчига тутқазиши эъти-  
боридан дунё адабиётидаги ҳар қандай ижод-  
кордан юкори туради. Бобур ўзини, юрагини,  
юзини, аъмолини, сўзини, амалини, кўзини  
пардаламайди. Иккиланишини, андишасини,  
ғазабини, кўнгил ғулғуласи ва безовталиги-  
ни очик ёзади. Шаръян карапланда, кундалик  
намоз ибодатлари билан маъжун истеъмоли,  
одамнинг акл-хушини оладиган чоғир, май  
ичишнинг бир инсон фитратида жамланиши  
макталадиган ижобий хислат эмас. Бобур бу  
шаръий хукмни ҳар кимдан яхши билади. Шу-  
нинг учун ёнидаги шерикларини чоғирга ҳам,  
маъжунга ҳам мажбуrlамайди; на ортиқча  
дағдаға, на даъват килади. Ҳолбуки у ўзининг  
чоғир мажлисларию маъжунхўрлигини ҳам,  
тонгласи сабухий қилишларини ҳам бемалол  
сир тутиши мумкин эди. Гувоҳлар уни тафтиш  
қилишга, қалами қитирлатиб ёзаётган “Вакое”-  
ни кузатиб туришга юраги бетламас эди. Бобур  
Яратгувчининг “самиун басир”, “кулли шайъ-  
ун қодир” лигига, барча ишларни “киромин ко-  
тибин” малоикалар амал дафтарига аллақачон  
ёзиб қўйганига инончи боис ҳак сўзларни би-  
тади. Бутун айбу гуноҳини, бор эзгулигу ода-  
мийлигини, барча тавбаю тазарруларини очик  
баён этади. Тўғриси, қиёснинг иккинчи эгаси  
мавлоно Абдулла Қодирийнинг ўз қўли билан

ёзган бундай тарихий иқрорномалари, кундаликлари ёки ўз табиатига оид эътирофлари йўк хисоби. Адибнинг “Суддаги нутқи”, замондошларининг хотиралари, Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам хақида”, Масъуд Абдуллаевнинг “Ўтганлар ёди” китобларида бу хусусдаги айрим маълумотлар учрайди, холос. Бирок тасаввуримизча, Бобур билан Қодирийнинг поэтик тафаккур тарзида, адабий-эстетик тушунчалари, одамийлиги ва борлиқни кўришида қандайдир яқинлик бор. “Ўткан кунлар”да ёзувчи: “Дарҳақиқат, бизнинг қаршимизға йўлбарс чиқса, биз қаттиқ қўрқамиз, чунки бизни ўлум кутадир, инсон учун дунёда ўлумдан қўрқунч нарса йўк”(320-бет), дейди. Адиб келгуси воқеаларни ўкувчига олдиндан сездиришнинг маҳсус адабий усулини қўллабми ёки ички бир туйғу даъвати биланми, ҳартугул, Кумуш охирги мактубида онасига: “Маним бўлса нима учундир юрагимда бир қўрқув бор...”, деб ёзади (363-бет). Воқеалар ривожидан қўрқув сири очилади, заҳарлаган Кумуш “жомга ўқчиб қусар эди”. Айбдор Зайнаб Юсуфбек ҳожи уйидан хайдалади, акалари уни кишанлаб қўйишади. «Жин урганини» қози ва табиблар томонидан тасдиқлангач, жинояти учун жазоланиш хукми унинг устидан кўтарилади. Заҳарланиш ходисаси подшоҳ Бобур ҳаётида ҳам юз беради.

ди. Ҳиндистонийлар кўлидан заҳарли ош егач, унинг кўнгли бехузур бўлади. Бу тўғрида: “Обхонаға боргунча йўлда бир навбат қусаёздим. Яна бир навбат қусаёздим. Обхонаға бориб, қалин қустум. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим” (281-бет), деб ёзади у. Айбдорлар жиноятига яраша жазо олади: бирининг териси тириклийин шилинади; яна бир айбдор филнинг оёқлари остига ташланади (282-бет). Бир ўлимдан колған Бобур гўё онадан қайта туғилгандек бўлади. “Тенғри менга бошин жон берди”, деб шукрон айтади у. Жон халқумга келиб кетган бундай вазиятларда инсон учун жони азиз қўринади. Шунда умр мазмунни, тириклик неъмати устида ўйлайди. Бобур икроран ёзади: “Жон мундок азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким: Ким ўлар ҳолатка етса, ул билур жон кадрини...” (282-бет). Аслида инсон ҳаёти ижтимоий-маънавий, руҳий-моддий ва бошка зиддият ҳамда мураккабликлар устига қурилади; ўзини ва ўзилигини англаганлар фурсатни ғанимат билиб, охират куни учун озука жамлайди; савол-жавобга ҳозирлик кўради. Чунки Бобур таъбирича, “ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичкусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилиға кетибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур”

(289-бет). Тириклик ва ўлимга оид “ҳаёт мажлисиға” келиб-кетишнинг ҳикматона ифода жуда тифиз ва каршилантириш усули асосига қурилган. Шу гап давомидан Бобур барчага машхур “...дахр аро колди фалондин яхшилиғ” мисралариға мос slab жуда муҳим ва мардона ҳаётий бир гапни ёзади: “Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхширок”. Бунда “яхши-ёмон”, “тирилган-ўлган” тазодлари ифода таъсирини оширади. “Ўткан кунлар”да ўзининг ҳаёти мазмунини ўйлаётган Юсуфбек хожи дейдикни: “Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фукаронинг осойиши учун сарф килиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир каноат ҳосил қилолмадим... Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни оёқ ости килишға ҳозирланған биз итлар яратгучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотилларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо килганлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға караб судрағучи албатта тангрининг қаҳриға сазовордир” (294-295-бетлар). Ҳожи беш кунлик умрида “дунё можароларидан этак силкиб тўшағи охират тадорики”ни кўришга ўзида рағбат ва зарурат сезади. Дарвоке, Абдулла Қодирий тирик маҳалида ўз Ватани ва миллатига бўлган

севгиси, ҳақ гапи, эзгу амали ва бебаҳо асарлари эвазига ҳожига ўхшаб ўзига азоб-уқубатлар, тухмату бўхтонлар орттириб олди. Аммо адиднинг фавқулодда жасорат эгаси экани ҳам, бу мардона фазилат қаҳрамонлари табиатига кўчгани ҳам бор гап. Шу ўринда уч душмани билан бир ўзи олишган Отабекни ёки дор остида ўлимга тик караб турган Анварнинг ўткир кўзларини эслаш ўринли, албатта. “Ҳакиқат, очиб сўзлашдадир” ҳикмати ҳаётий дастури бўлган адид “Суддаги нутқи”да ўша мустабид даврнинг “одил суд”ига қаратади: “Мен тўғрилик орқасида бош кетса, “их” дейдиган йигит эмасман... Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик максади бўлмаган содда, гўл, виждонлик бир йигитга бу кадар хўрликтан ўлим тансикрокдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир”, деб айтади. Кейинги ҳибс маҳалида: “Менга қўйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳакиқат йўлида ҳар кандай, жазодан, кийноқдан қўрқмайман. Агар отмокчи бўлсаларинг, қўкрагимни кериб тураман...<sup>12</sup>”, деб мардона сўзлайди. Худди шундай мардона туйғу, ҳаққоният, фавқу-

<sup>11</sup>Қодирий А. Суддаги нутқ. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 1989 й. 1 декабрь.

<sup>12</sup>Қодирийни кўмсаб – Г. Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашириёти. 1994й, 6-бет.

лодда жасорат, улкан шижаат Бобур умрига, “Бобурнома” матнига нур бағишлайди. Унинг фотихлиги, элободчилиги, багрикенглиги, дўсту душманларига кўрсатган муруввати, айниқса, фарзандидан жонини ҳам аямагани узок мозийнинг ўчмас ҳакиқати. Ўғли Ҳумоюннинг дардига ҳакими ҳозиклар “яхши нимарсаларни тасаддуқ қилмок керак” деб ташҳис кўйишиади. Бобур “Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ”, фикрига келади ва уч марта ўғлиниң теграсида айланиб айтадики: “мен кўртардим ҳар не дардинг бор”. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сихат бўлиб кўпти. Мен ноҳуш бўлуб йикилдим” (355-бет). Бундай вазиятда Ҳак билан авлиёсифат инсон орасидаги пардалар кўтарилади. Тоза юракли отанинг чин дуоси Тангри хузурига ўқ боради ва ижобат бўлади. Бобур ўлимни мардана бўйнига олади. Бобур насрода ифода йўсини жуда киска, кам сўзга кўп маъно юкланади.

## ИЙЖОЗ МАҚОМИ

Кам сўзда кўп фикр баёни мумтоз поэтикада “ийжоз” дейилади. “Бобурнома” – шоирнинг насли, подшохнинг назари; унда инсон умри, тарих вокелиги, географик маълумотлар йўл-йўлакай қуруқдан-қурук баён килинмайди. Дейлик: “Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар

чироғдек ёруди” (354-бет) каби қисқа, ўхшатиши  
ва тоза туркий ифода Бобур услубигагина  
хосдир. Бобурнинг насли таъсири, оҳангли,  
шевъри, маҳобатли, сажли, тавзеъли, латофат-  
ли, ўхшатиши; унда тавсиф билан тасвир уй-  
ғунлашади. Ора-орада лирик пафос билан без-  
атилган, айни дамда трагизм билан суғорилган  
“Бобурнома” ўзбек мумтоз насрининг фасоҳат  
ва балоғат намунаси, ийжоз мақомидаги бета-  
кор асар. Сўзи кам, маъноси ўқтам; фикр ва  
тушунчалар тўқнашади, сўз сўзга уринади,  
сўздан сўз униб чиқади. Ўқиймиз: “На учун-  
ким, алар асру қалин, биз кўп оз, ўзга бу ка-  
вийлик била алар аркта ва бу заифлик била биз  
тош қўргонда” (101-бет). Ўзаро қарама-карши  
кутбда турган “алар – биз”, “қалин – кўп оз”,  
“қавийлик-заифлик”, “арк – тош қўргон” каби  
жуфт ва зид сўзлар орасида бир дунё тушун-  
чалар жамланади. Бошқа бир мисол: “Вилоят  
ораси, тонг ёвуқ ва максад йирок” (105-бет).  
Қаршилантиришдан ифода аниқлашиб гўзал-  
лашади. Бошқа бир сахифага назар соламиз.  
Бобур алғов-далғовли кунларнинг бирида Бан-  
да Али деган шеригини кутиб ўтирибди. Кут-  
ганда кун чўзилади, сониялар иммиллайди;  
вакт юрмайди, гўё тўхтаб қолади: “Субҳ узлаб  
келадур, бу ҳеч келмайдур” (105-бет). Бундай  
баён тарзи факат холат ифодаси, маълумот  
бериш жараёнида эмас, балки тарихий

вокеалар тафсилоти ёки тарихий шахслар табиати ёритилган саҳифаларни ҳам тез-тез учрайди. “Бобурнома”да воказелик, фикр ва туйғу ноўрин тафсилот ва ортиқча лағвларсиз ёзилади. Тұғриси, кенгкамровли, адабий-тарихий насрнинг универсал услубида ёзилган “Бобурнома”дек муazzзам ва бетакрор асар ўзидан кейинги турли жанрдаги ўнлаб-юзлаб бадиий асарлар учун таянч, илдиз, манба бўлиб хизмат килгани айни ҳакиқатдир.

Сўзнинг ийжоз мартабаси Абдулла Қодирний насли поэтикасига, қаҳрамонлари нутқига ҳам хос. Отабекни иккинчи марта уйлантириш хавасида юрган Ўзбек ойим бир куни Ҳасанали билан гап талашиб айтадики: “Сандек соколи узун, ақли қисқадан кенгаш сўраб ўлтурған мен ҳам ахмок!” (163-бет). Шокирбекнинг Отабекка эврилиш саҳнаси остонасида Уста Алим: “...ёмоннинг жанозасидан яхшининг хикояси фойдалик”, деб сомеъликка ҳозирланади (254-бет). Бундай нутқда “сен” – “мен”, “узун” – “қиска”, “яхши” билан “ёмон”, “жаноза” билан “хикоя” сўзлари зидланади. Юсуфбек хожи бир йигилишда: “Бу соқол шу эл қайғусида окарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида корайди” (318-бет), деган гаплари семантикаси қаршилидир. Юсуфбек ҳожининг ўз нафсига назари, маломати ва эътирофидаги

соколининг оқариши ёки кўнглиниң қорайиши тасаввурни тоза бир инсон умрининг йўллари томон йўллайди. Аслида вазият, характернинг контрастли-қиёсли тасвирини романнинг дастлабки саҳифаларида, яъни карвонсаройда Отабек тушган хужра ёки Отабек билан Ҳомид характери баёнидаёқ кўринади. Адиг бу бадиий санъатдан романда жуда кўп ва ўринли фойдаланади. Баъзан қундошларнинг маънавияти, сажияси ҳар жиҳатдан таққосланади. Ўз максади йўлида янги қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқиш жараёни романни охирлаб қолганида ҳам давом этади. Адиг романнинг “Хушрўйиби ва Зайнаб” фаслидаги: “Хушрўй узун бўйли, котмарок ва зарча танлик эди. Зайнаб қиска бўй, гўштдор ва оқ танлик эди. Хушрўйнинг характери енгил ва лавзи тез эди, Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадирган эди” (353-бет), деган опа-сингиллар табиатининг қиёсидан тасаввур тўлишади.

Ийжоз макомидаги бундай мисолларда Бобур Мирзо ҳам, Абдулла Қодирий ҳам чин маънодаги ўз эли ва тилининг билимдони, ўз даври адабий тилининг бунёдкори ҳамда ўзбек тилининг барча имкониятларидан тўла фойдаланган адабий шахслар сифатида кўринади. Бу икки муazzзам адабий сиймо туркий-ўзбек адабий тилининг ифода салоҳияти ва қамровини

ўзларининг амалий хизматлари билан исботлади, шунингдек, зукко тилшунос сифатида баъзан назарий қарашларини ҳам баён қилишди.

## ИККИ ТИЛЧИ

Абдулла Қодирий ўзининг бетакрор бадиий асарлари билан ўзбек адабий тилининг бойлигини исбот этди; ўрни келганида шева сўзларидан унумли фойдаланди. Адиг ҳалқ тилида қўлланадиган “чип” сўзи учун “ғов, баррикада маъносида”, бошқа бир саҳифадаги диалогда келған “эшик” сўзини “Фарғонада ховлини эшик дейдилар” деб изоҳлайди. Ҳомид Жаннат опага “гузардан чиқиб бир чорак эт келтириб, шўрба қилиб берсангиз” дейди. Ёзувчи “бир чорак”ни “уч ярим-тўрт қадок чамаси тошдир” деб изоҳлайди. Бугунги ўкувчи учун бир қадоқнинг 409,512 граммга teng оғирлик ўлчов бирлиги эканини эслатишга зарурат бор. Бошқа бир эпизодда узок айрилиқдан кейин қайта учрашган Кумуш Оtabекка “Сиз энди қирчиллабсиз!” деб айтади. Адиг “кирчиллаш” сўзига: “Қирчиллаш - одатда корга айтиладир. Масалан, каттиғ совуқда ёқған қор қирчиллайдир. Шундан олиб, айни етилган йигитларни қирчиллама йигит, дейдилар” тарзida романнинг асосий контекстидан ташқарида изоҳ ёзди. “Мехробдан чаён”да Ху-

доёрхон ўз ўрдасидағи мирзоларга арабий сўзларни кўп қўллагани учун “Эналаринг арапка текканма?” деб танбех беради. Ёзувчи “эналаринг” сўзига тўхталиб: “Эналаринг сўзидағи “нг” ҳарфини “нғ” равишида қалин сўзладир. Бу кунги Фаргона ўзбекларида ҳам (айникса кишлoқларда) юмшoқ “нг” ўрнига қалин “нғ” ишлатилиши кўб эшилладир. Ҳозирғи ислоҳ килинган ҳарфларимизда бу қалин “нғ”нинг маҳсус шакли йўқдир. Ёзган (н-ғ) ҳарфларидан бир товуш ясалса ҳам, бироқ ўкуғандаги ким буни ўз маҳражидан чикаролмас, янглиш ўқур. Бу қалин “нғ” ўзбекча бир нечта сўздагина ишлатилмай кўб (эллилаб) сўзда истеъмол килингани учун манимча алоҳида бир шакл қабул қилиш эҳтиёжи хис этилладир. Масалан машҳурлари: занғ, панғ, ланғ, даранғ, каланғи-қасанғи, дарғ, тўнғиз, шанғи, тўнғилламоқ, тўнғ, тўнғуч ва анғиз, тинғ бошқалар... Эски “нинг” “нг” равишида ислоҳ қилинган. Бу йўғон “нғ” ҳам “ғ” ҳарфининг устига нукта кўюлиб ёзилсамикин...<sup>1</sup>”, дея изоҳ ёзади ва ийманибгина таклифни беради. Адиб ўзбек тилининг табиий хусусиятларини, жамики фазилатларини кадрлаш устида бош қотирган; шунинг

<sup>1</sup>Абдулла Қодирий “Ўтқан қунлар Мехробдан чаён” – Т. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти 430-бет.

учун ҳам тилдаги бундай муаммоли фонетик ходисага маҳсус тұхталади.

**Бобур үзининг машхур:**

*“Ед этмас әмиш кишини мехнатта киши,  
Шод этмас әмиш күнгүлни гурбатта киши.  
Күнгүлм бу гариплиқта шод ўтмади ҳеч,  
Гурбатта севунмас әмиш, албатта, киши”*

рубойисидан кейин туркій тилнинг товуш хусусиятига доир мұлоҳаза ёзади: “Сүнгра маълум бўлдиким, турк лафзида маҳал иқтиози била “то” ва “дол” яна “ғайн” ва “коф” ва “коф” бир бирлари била мубаддал бўларлар эмиш” (90-бет). Ўрнига қараб “т” билан “д” ундошининг, “ғ”, “қ” ва “к” товушларининг ўрии алмашиб келишини, уларнинг ўзаро мослашувчанлик табиатини тушунтиради. Бобурнинг йигирма саккизта ҳарфдан таркиб топган алоҳида алифбо – “Хатти Бобурий”га тартиб бергани, шу хатда фарзандларига мактублар,

“Бу рубой «Бобурнома» таркибида айни шактда келади. Аммо шу күнгача босилган Бобурнинг шеърий мажмуатарида рубойининг бобуршындар жътибор бериб, аниқлик киритиши лозим бўлган ва бигта сўзининг ўрии алмашган қўйидаги нусхаси ҳам кеп оммалапланган:

*“Ед этмас әмиш кишини гурбатта киши,  
Шод этмас әмиш күнгүлни мехнатта киши.  
Күнгүлм бу гариплиқта шод ўтмади ҳеч,  
Гурбатта севунмас әмиш, албатта, киши”.*

хатто замонасининг хаттотларига “Мусхаф”ни кўчиритириб Маккаи Мукаррамага юборгани маълум<sup>1</sup>. Бобур “Бобурнома”да жой номлари, турли тарихий шахслар, мамлакат, шаҳар ва кишлекларнинг тавсифи, турфа урф-одат, удумлар, ҳайвонот, наботот олами муносабати билан кўп сўзларга изоҳ ёзди. Масалан: “Яна хинд эли агадни ҳам ҳуб тайин килибурлар юз мингни “лак” дерлар. юз лакни “куур” дерлар. Юз қуурни “арб” дерлар. Юз арбни “карб”, юз карбни “нил”, юз нилни “падам”, юз падами “сонғ”. Бу агадларнинг тайини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур” (266-бет). Тилшунослар фикрича, Бобур икки юздан ортиқ сўз этимологиясига аниқлик киритади.

Бобур ўғли Ҳумоюнга ёзган жавоб мактубида набираси исмининг маъносига, хатида йўл кўйган имло хатоларигача эътибор беради. Энг асосийси услубига нисбатан: “Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озрок бўлур ва ҳам ўқуғучиға” (321-бет), деб ўзи қўллаган усуллардан қимматли ўгит беради. Бундай мулоҳазалар барча давр фарзандлари учун оталар айтган умрибокий насиҳатдир. Бобур билан Абдулла Қодирийнинг асар, битик, мактуб, ин-

<sup>1</sup>Султонов Ӯ. “Хатти Бобурий”. “Мозийдан садо” журнали, 2003 й. 3-4-сон. 90-92- бетлар

шони аниқ ва тиник ёзиш хусусидаги фикрлари ўзаро уйғун. Қодирий фикрича, ёзганларига “ёзувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб”, “фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин бермаслик лозим”. Ёш ёзувчилар ўз асарларига бирорнинг сўнгсўз ёки сўзбошиси билан тумор такқандан ёки нашриёт муҳаррирларга ортиқча иш қолдиргандан кўра ўз сўзларида событ туриб, “бир соатда эмас ўн соатда ёзишлари” ва ёзганларини “бир қайта эмас, ўн қайта тузатишлари кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдалик, ҳам умидликдир<sup>1</sup>”. Назаримда, ҳар икки аллома-гениал адабнинг асарлари, ёзиш малакаси ва тажрибасидан ўтган адабий-назарий ўгитлари барча даврнинг ёш ижодкорлари учун муazzам дорилфунун сабоқлари ўрнини босади.

## ГУЛ ВА ЧОҒИР

Гулли саҳналар Абдулла Қодирийни курсошлари “гул шайдоси эди” деб эсга олишади, адаб ўз қаҳрамонларини баъзан гулга такқослади ёки улардан айримлари гул парвариш билан машғул бўлади. Ёзувчи Кумушбиибининг паришон ҳоли учун: “Бир нарса

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. “Дисери бакр”. – Т: “Янги аср авлоди” нашириёти. 2007 й. 230-бет.

тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғиси кучликмиди, ҳар ҳолда намозшом гул каби ёпик эди” (30-31-бет), деб изоҳ беради. Кумуш турмушга узатиладиган саҳнага назар ташлаймиз: кизийгининг Кумушнинг дугоналари жамланган. Бу йифинни ҳам ёзувчи “Қизлар мажлиси – гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!” (53-бет), тарзида “гуллар” билан безайди. Бундай гўзал манзарага учраган одам “гул танлашда бирор қарорга келолмай” ҳаммага кулги бўлиши мумкин. Аммо даврага Кумушбиби кириб келгач, агар гулни гулдан ажратиб танлашга зарурат бўлса, энди одам мутараддид бўлмайди, иккиланиб эсанкирамайди. Чунки “Кумушбиби лолалар ичидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидағи бир ой эди” (54-бет), деб гул ва ойга қиёслайди. Дали-гулли Ўзбек ойим Кумушни биринчи бор кўрганида гоҳ ўпкаланниб, гоҳ эркаланиб: “Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан...” (325-бет), дея шоирланади ва қўнгил кувончини изхор қиласи. Роман интиҳосига яқин Отабек туш кўради. Адид унинг тушини ҳам гул ва гулзор томон буради. Отабек “туш кўрар эди: чаманда гуллар очилған эмиш... Бу гулшан унинг ўзиники эмиш... Ул ранго-ранг чечаклардан кўзини ололмас эмиш” (368-бет). Абдулла Кодирий гул шайдоси эди; бу фазилат

унинг қаҳрамонларига кўчган. Раъно тасвири учун “раъно гулининг суви”га зарурат сезгани ҳам бежиз эмас. Латиф гуллар шоир кўнгилли инсонни ўзига мафтун қилиши мумкин. Айниқса, ҳаётининг бирор кунини хотиржам ўтказмаган, “икки рамазон ийдини паёпай бир ерда” ўқимаган Бобурнинг кўнгли чаманзору табиий гуллар гўзаллигидан ором топади. Гулларнинг навлари билан қизикади. Кобулда лола гулининг ўттиз тўртта тури борлигини аниклаштириради. “Бобурнома”да: “Яна Ҳиндустонда тавре гуллар бордур” жумласидан кейин “жосун”, “канир”, “киюра”, “ёсуман” каби бир қанча гулларнинг шакли, ранги, танаси, илдизи ва ҳидигача таърифлайди (264-бет). Бобур Ҳинд ерида Аграга сув келтириб, обод килганини шундай ёзади: “Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаринлар мураттаб ва мукаммал бўлди” (275-бет). Бошқа бир ўринда ёзади: “Тарҳ билан чаманлар қилиб, чаманлар атрофида хушранг ва хушбўй гул ва раёхин тикмак керак” (330-бет). Бобур Ҳиндистонда “нилуфарзор сайр”ига чиқади. Бу гулни жуда яхши таърифлаб хинdlар нилуфарнинг уруига “дуда”, гулнинг ўзини “кавал кикрий” аташларини эслаб ўтади (338). Бобур қадами етиб борган турли ҳудудларда кўчатлар ўтқизиб, гуллар экиб, ўнлаб

боғ-роғлар ва юзлаб гулзорлар барпо қиласи. Буни орадан асрлар ўтиб, Жавоҳарлаъл Неру “Дунё тарихига назар” китобида ёзди: “У гуллар ва боғларни севар ва жазирама Ҳиндистонда Ўрта Осиёдаги ватанини тез-тез эслаб турарди: “...бинафшаси бисёр латиф бўлур... калин лола ва гуллар очилур”, деб хотирлайди у эсдаликларида” (Илҳом Султонов таржимаси).

Бобур лирикасидаги “гул”, зебо гулнинг паришон зулфи, қайси бир гулнинг вафоси, гулистон ичра “рухи зебо” гулнинг кўрки – буларнинг бари ёр васфига тааллукли. Унинг далиёна шоир кўнглини лолалар ичра бир гул ўртайди. Шу боис газалларидағи гул, лола, бинафша, ёсуман, райхон, наргис, чаман, гулзор каби образлар метафорик табиатлидир.

Бўзали базмлар “Ўткан кунлар”даги Абдулла Қодирий назарига кўра: “Халқимиз таъбирича, бу замонлар “мусулмонобод” бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурған ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариъатча эди” (213-бет). Аммо шу ораста ҳукмларга риоя қилмайдиган ўғри, фоҳишалар борлигини, айрим “уйларда мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб” ётишини, Чукур қишлоқ томонларда “рустамона кишилар билан айқириб ёткан бўзхоналар”

ҳам ишлаб туришини ошкор ёзади. Бундай маълумот, тафсилот ва изоҳлардан кейин адаб Отабекни ўша бўзахоналардан бирига етаклайди. Бўзагар Отабекни “бўзанинг гули билан меҳмон” қиласди (214-бет). Романнинг “Унутолмаса нима қилсин?” фаслига кўра Отабекнинг саёқ йўлда юришларидан ота-она бехабар. Тўғрироғи, ёзувчи сўзни чўзмаслик учун уларни ўғли холидан атай хабарсиз колдиради. Отабекнинг “кечалари аллақаёкларга кетиб, йўқолатурған одатлар”ини Ҳасанали билади, холос. Отабек “бир-икки қайта ортиқча маст бўлған ҳолда қайтиб, Ҳасаналини тамом ҳайратда колдириди” (205-бет). Ҳасанали Отабекка бирор насиҳат қилишни ҳам, унинг бундай мастона юришларини бирорвга айтишни ҳам билмайди. Базмдан тунлари сархуш қайтадиган Отабекни Ҳасанали юрагини ҳовучлаб, кутиб олади. Норизо оҳангда “Ўғлим, сизга шу шайтоний ишнинг нима зарурати бор”, дейди. Тонгласи мастерликдан ойилган Отабек Ҳасаналининг юзиға тик қарай олмайди. Адаб Отабекнинг бу адабсиз ҳоли баёнига айрилик дардини, “аламини ичкуликдан олиб” юришини қўшади.

Уста Алим таъбирича, май “бир томондан кишининг саломатлигига фойда берса, иккинчи жихатдан тирикликтининг қайғу ва аламларини” ҳам унуттириб юборар эмиш. Ичкиликдан

қаттиқ ҳазар киладиган, майни ўзига душман санайдиган Отабек биринчи марта уста Алимнинг уйида “тамом шаръий килиб тайёрланган мавиз”дан ичади. Ўша саҳнада ўзини узрлилар қаторидан санайдиган уста Алим икки пиёла ичиб, учинчисини қайгулирок кўринган Отабекка узатиб “қўлимни қайтарманг, меҳмон” деб манзират билан кутиб тураверади. “Отабек пиёлани олишға мажбур бўлди. Уй эгасининг айтканидек мавиз жуда ҳам тиник, яхши чиқған кўкчой каби мусаффо эди. Пиёлага узок караб турмай ичиб ҳам юборди. Оч коринға тушкан ўткир май виж-ж этдириб меъдани қайнатди-да, томоқ остини ловуллатмоққа олди”. (189-190-бетлар). Қайнотаси эшигидан кувилган Отабек ҳам шу зайлда ўзини маъзурлар қаторига кўшади. Ҳар жиҳатдан комил, идеал бир инсон сифатида каралаётган Отабекни Абдулла Қодирий ана шу номашруъ амалларсиз, майсиз ва бўзасиз базмлар фонида тасвиралиши ҳам мумкин эди. Эҳтимол, бунда калам ростлик рутбасидан тойилган бўларди.

Бобур 1506-1507 йил воқеалари баёнида ўзига Ҳусайн Байқаро фарзандлари кишини Ҳиротда ўтказишга, Алишер Навоий уйида истикомат қилишга таклиф этганини ёзади. Аввал Бадиуззамон мирзо уйида меҳмон бўлади. “Бадиуззамон кошиға борғанда намози пешиндин

сўнг чоғир мажлиси бўлди, мен ул маҳаллар ичмас эрдим” (169-бет). Мажлис ахли Бобурнинг ичмаслигини билгани учун унга таклиф ҳам қилишмайди. Бобурнинг ёшлигидан ичкиликка асло майли бўмаган; ҳатто баъзан отаси таклиф қилганида ҳам узр айтган. “Шубҳалик таомдин ижтиnob қилур эрдим”, деб хотирлайди у. Темурий мирзолар хузурида йигитлик ёшида, нафс тақозоси билан унда чоғирга майл пайдо бўлади: “...ичмакка азм қилдим ва бу во-дийни тай қилмоқни жазм қилдим” (171-бет). Музаффар Мирзо меҳмонга айтганида Бадиуззамон уйида ичмай, унинг иниси уйида ичишдан икки оға-ини бир жойда жамланганида ва улар таклифи билан ичишни мақсад қиласди. Бобурнинг чоғир базмлари шундай бошланади. Ҳирийга келгунча бир қултум ҳам ичмаган шаҳзода Бобурнинг бундан кейинги бирор мажлислари маъжун ё чоғирсиз ўтмайди. Бундай базмлар кайфи ва кайфиятини яхши билган Борур бир неча бор “маъжун сухбати била ҳаргиз арак ва чоғир сухбати рост келмас” (208-бет) деб таъкидлайди. Аввало нафс тақозоси, қолаверса, ҳаёт дараҳтидан Бобурнинг бошига ёғилган кузғи хазонлар ва аиш-ишратга мойиллик уни “чоғирнинг нашъя ва кайфияти” билан ошно қиласди. Орадан йиллар ўтади. Иш тавба

остонасига етади. “Хар вакт тавба дағдағаси хотири” да юрган Бобур хижрий 933 йили тавба этади. “Бобур айни үшал фурсатда нафс устидан буюк ғалаба қозонади – ичкилик балосини енгади<sup>1</sup>”.

## ЗАМОН ҮЛЧОВИ

Тарихий-биографик асарларда замон ва мақон чегаралари танланган тарихий шахснинг ҳаётига кўпинча мос келади. Бу табиий ҳол Аммо адабиёт оламидаги тарихий асарлар турли асослар устига курилади. Инсон ақли билан чегаралangan замон – эралар, асрлар, йиллар, фасллар, ойлар, хафталар, кунлар, соатлар... каби кўламли астрономик тизимни ташкил этади. Ижод ахли юз берган воқелик тасвирида – вакт ифодасида астрономик тизим унсурларидан турлича фойдаланади. Тўғриси, бадиий асарда замон – вакт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятига кўчади. Замон тушунчасининг аник бўлагини кун ва тун – йигирма тўрт соат ташкил этади. Бу хисоб учун қуёш ҳаракати, аникроғи, Ернинг ўз ўки теграсида айланиши асос саналади. Ижодкор замон тасвирида қуёшнинг чиқиши, ботиши ёки соат миллиарининг чопишига- эътибор беради. Абдулла Қодирий романларида кунлик

<sup>1</sup> Султонов Х. “Бобурийнома” – Г. “Шарқ” 1997 й. 100-110-бетлар.

вактнинг “куёш ботган”, “сахар пайти” ёки “бу кун соат ўн иккида...”, “ҳозир соат кечки еттилар бўлиб қолган...”, “кечки соат тўртларда...” тарзидаги ифодаси онда-сонда кузатилади. Гоҳо шу тарздаги ифода давомидан маҳсус изоҳ қўшилади: “... куёш ботқан, теваракдан шом азони эши-тиладир”, “сахар вакти туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава қўшилди”, “Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртарок ҳукумат аскари билан халқ орасида уруш бошланди...”. Вактнинг ифодаси учун “шом азони” (шом вакти), “субҳ намози” (бомдод вакти), “асрдан бир оз эртарок” (аср вакти) тарзидаги изоҳ, яъни кунда фарз ўлароқ беш маҳал адо қилинадиган намоз вакти Абдулла Қодирий романларида индивидуал маъно ва поэтик-категориал моҳият касб этади; адаб кунлик вакт қисмлари учун намоз атамаларини танлайди.

Абдулла Қодирий қаламига бундай тасвир йўсини ўз аждодларининг адабий тафаккуридан ўтгани, айни дамда, “Бобурнома” булогидан сув ичгани табиий кўринади. Чунки “Бобурнома”да ҳодиса бўлган йил, ой, ҳафта, кун ва ҳатто кўпинча ўша куннинг аниқ маҳалигача тиник битилади. Масалан Бобур: “Аҳсидин намози жумъа вактида чиқиб, Банди Солор йўли била намози шом била намози хуфтан орасида Андижонға келдим” (32-бет) деб замонни на-

моз вактига боғлаб ёзади. “Бобурнома”нинг ҳар бир саҳифасида, юзлаб ўринларда “намози бомдодни ўтаб”, “намози пешиндин сўнг”, “намози дигаргача”, “намози дигарга ёвук”, “намози дигарда”, “намози дигар била намози шом орасида”, “намози шомғача”, “намози шомға яқин”, “намози шомда”, “намози шом била намози хуфтан орасида”, “намози хуфтанғача”, “намози хуфтанда”, “намози хуфтандин кечрок” каби таъбирлар учрайди. Баъзан Бобур фалон қуни “сабоҳи”, “офтоб бир наиза бўйи чикиб”, “офтоб чикканда”, “офтоб ўлтуур махал” деганича қуёшнинг ҳаракати ва бошқа вактларга ҳам диккат қаратади. “Бобуронома”да улкан вакт бутунлиги, унинг қисмлари ҳамда қунлик вакт ўлчами муайян тизимга солинган, албатта.

Қиёсланаётган асарлардаги бундай ўринларга ҳар икки адаб шууридаги табиий сезим ва туйғулар ифодаси, имон-эътиқодли қалам эгаларининг баён усули сифатида караш ўринлидир. Қолаверса, замонга мос ўлчамлар измида қаҳрамонларнинг ҳаракат қилиши ҳамда уларнинг тафakkur ва тасаввурига уйғун ифодаланиши ҳам ҳар қандай асарнинг қадр-қийматини оширади.

## КИТОБ – ВОСИТА

Яхши китоб – инсон умрининг зийнати. Бобур ва Абдулла Қодирийдек алломалар ёзган китоблар эса инсониятнинг маънавий мулки.

Одамларнинг маданий-илмий, маънавий-маърифий даражасини улар ўқиган китоблар белгилайди. Тақдир Алишер Навоийни 6-7 ёшида “Зафарнома” муаллифи Али Яздийга рўбарў қиласи. Мўйсафид тарихчи билан бола Алишер ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади. Шунда мўйсафид аллома боладан ўқиган китобларини сўрайди. Навоий «Мулк»кача таълим олганини айтади. Ёшлигида «Мантиқ ут-тайри»ни ёд билгани барчага маълум. Табиийки, тарихий китоблардаги бундай маълумотлар тарихий шахслар маънавий дунёсини кўрсатади; улар қиёфасига маҳобат бағишлайди. «Бобурнома»да ўз даврининг машхур акобирларига баҳо берилар экан, улар ёзган ёки ўқиган китобларни эсга олади. Алишер Навоий ажратилган бетларда аллома шоир «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Гаройиб ус-сигар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоев ул-васат», «Фавойид ул-кибар», «Мезон ул-авzon» каби барча асарларини санаб ўтилади. Бобур «Бобурнома»да Алишер Навоийдан бошқа бирор шахс таърифидаги бундай «кўб ва хўб» - кенг кўламли тўхталган эмас.

Отаси Умаршайх Мирзони таърифлар экан ёзади: Равон саводи бор эди. «Хамсатайн» ва маснавий китобларини ва тарихларни ўкур эди. Аксар «Шоҳнома» ўкур эди. Табъи назми

бор эди, vale шеърға парво қилмас эди” (10-бет). Замондошларидан баъзиларига «Ҳамиша Мусҳаф китобат килур эди» деб ҳам таъриф беради. Умуман олганда зарурат юзасидан қайси бир машхур уламо ёки тарихий жой таърифи жараёнида «Саҳиҳи Бухорий», «Ҳидоя», «Темурнома», «Фатхнома», «Зафарнома», «Искандарнома», «Шоҳнома» каби мӯътабар китоблар эсга олинади. Бунинг натижасида ўша инсон ёки маконнинг таъриф-тавсифи теранлашиб, уларга тегишли тасаввур ойдинлашади. Мемуар асарда тарихий маълумот сифатида бундай унсурларнинг мавжуд бўлиши табиий. Бирок дунё адабиётидаги бадиий асарлар таркибида эсланадиган машхур китоблар муайян бадиий функцияни бажаради. Отабекнинг «Бобурнома» ўқиши бежиз эмас. Абдулла Қодирийнинг бошка каҳрамонларини ҳам маълум ва машхур китоблардан насибадор килади. Дейлик, Юсуфбек ҳожига Қуръони карим ва «Далойил ул хайрот»ни, ошиқларга Фузулийнинг “Девон”ини ўқитади. Раъноси эса Навоий, Фузулий, ўзларига замондош шоирлардан Амирий билан Фазлий Намонгонийни ўқиган. Қодирийнинг иккинчи романи «Чаённинг намойиши» фаслида масжиддаги ҳужралардан бири тасвири келади. Ҳужра токчасига «Шарҳ мулла Жомий», «Ал-викоя маълҳавоший»,

«Ҳикматул айн», «Алвиқоя», «Сияри шариф» каби мұътабар китоблар тахлаб күйилади. Калоншоҳ мирзо, Шаҳодат муфти, Абдурахмон домла шу китобларни ўқиганми - ўқиган эмасми? Адіб уларнинг қўлларига бу китобларни тутқазмайди. Токчага тахлаб кўяди. Ўқилмаган китоб очилмаган тилсим. Ўқиганлар билан ўқимаганлар ҳеч қачон бир-бирлари билан teng келмайди. Ўқиганлар олим, уламо бўлади, ўқимаганлар кўнглига шайтон оралайди, ғийбату ғурбатлар билан машғул бўлишади.

Сарлавҳа. Адіб романи учун ном танлаши хусусида ҳам бир фикр бор. Мутахассислар орасида “Ўткан кунлар”ни Абдулла Қодирий татар адаби Олимжон Иброҳимовнинг “Бизнинг кунлар” романни номига уйқаш қўйган, деган гап бор. Ҳолбуки матнда аник битилган бир жуфт сўз, “Бобурнома” мутолааси туфайли адаб шуурига муҳрланиб қолмаганмикин, деган фикр келади. Сарсон-саргардон кезган 1502-1503 йиллар воқеалари охирида Бобур шундай ёзади: “Ўшал замон отланиб, Андижон тарафиға юруй бердук. Икки кун бўлуб эрдиким, ҳеч таом емайдур эдим. Намози пешин бўлуб эдиким, бир қўйни топиб келиб, бир ерда тушуб, ўлтуруб, кабоб килдилар. Ўшал кабобдин тўйғунча едим. Андин сўнгра отланиб беш кунлук йўлни икки кеча ва кундуз илғор

қилиб келиб, Андижонға кириб, улуғ хон додам ва кичик хон додамни кўрунуш қилдим ва ўткан кунларни тамом баён қилдим” (108-бет). Роман мавзуини “яқин ўткан кунлар”дан танлаган Абдулла Қодирий ҳам Туркистон ўтмисини, Кутидор эшигидан кувилган Отабекни хаёлан ўткан кунларига кайтаради; сўнгра адиб ўз қаҳрамонига унинг “ўткан кунларини заҳар билан булғаб келган” мудхиш душманларини танитади ва манзарани тиниклаштириб вокеликни имкони борича батамом ростлик рутбасида баён қиласи.

## ТУГАНЧИ

Ҳар икки адиб асарларида бундан бошқа ҳам киёслашга муносиб ўринлар кўпчиликни ташкил этади. Дейлик, “Бобурнома” матнида баъзан бирор вокелик ёнида оят ва ҳадислардан парчалар келади. Абдулла Қодирий мумтоз эпик анъанага мос равишда ўз асарларининг айрим саҳифаларида замона ҳазми кўтаргунча «Ҳар бир нарса ўз аслига қайтади», «Аллоҳ сабр килгувчилар билан биргадир», «Агар бир кавмнинг иши ноаҳил одамға топширилған бўлса, бас, ўшал кавмнинг қиёматини яқин бил», “Ҳар ишнинг ўртачаси яхши”, “Қаноатли азиз, таъмали киши хордир” каби айрим оят ва ҳадисларни қўллади.

Ёки: «Бобурнома»да шоир күнгилли Бобур шижаатли фотиҳ қиёфасига эврилганда “калла минор”лар тиклашни буюради. “Ўткан кунлар”да ҳам “инсон бошидан турғузилған” айрим тепаликлар кўзга ташланади. Бу каби мавзулар қиёси учун яна бир неча сахифаларни коралаш мумкин...

Хуллас, Абдулла Қодирий рухияти, адабий-эстетик концепцияси, одам ва олам хусусидаги қарашлари Захириддин Мухаммад Бобур рухига яқин туради. Ҳар икки адаб фитратидаги мардлик, жасорат, тўғрилик, ҳакгўйлик, маҳорат, истеъдод каби фазилатлар ўзаро уйғун келади. Тарихнинг жуда олис қаъри ва яқин ўтмишдаги дили, маслаги, тили, юраги бир бўлган адабий сиймолар маънавият майдонидан ёнма-ён туришади. Дунё ва борликқа доир қарашлари яқин ижодкорлар орадаги масофа қанчалик узок бўлмасин, сўз санъатининг поэтик хусусияти ва метафорик табиатига кўра улар адабиёт тилида bemalol гурунглаша олади. Зеро, уларнинг гойибона адабий сухбатлари, маънавий робита ва рухий боғичлари жуда табиий туюлади.

# MUNDARIJA

Mitti muqaddima .....	3
“Boburnoma” o‘qiyotgan Otabek .....	4
“So‘z urindi, so‘zdan – so‘z chiqdi” .....	6
Shakl va shamoyil tafsifi .....	12
Odimlar va qadamlar .....	15
Jon qadri – umr mazmuni .....	18
Iyjoz maqomi .....	24
Ikki tilchi .....	27
Gul va chog‘ir .....	32
Zamon o‘lchovi .....	38
Kitob – vosita .....	40
Tuganchi .....	44

# МУНДАРИЖА

Митти мукаддима .....	46
«Бобурнома» ўқиётган Отабек .....	47
«Сўз уринди, сўздан – сўз чиқди» .....	49
Шакл ва шамойил тавсифи .....	55
Одимлар ва кадамлар .....	59
Жон кадри – умр мазмуни .....	61
Ийжоз мақоми .....	68
Икки тилчи .....	72
Гул ва чоғир .....	76
Замон ўлчови .....	83
Китоб – восита .....	85
Туганчи .....	89

# **IKKI DAHO - IKKI BEBAHO**

“O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”

Davlat ilmiy nashriyoti

Toshkent – 2020

Muharrir

*Abror Murtazayev*

Badiiy muharrir

*Shovkat Ilhomov*

Texnik muharrir

*Umida Yaxshiboyeva*

Kichik muharrir

*Zilola Mahkamova*

Musahhih

*Sohiba Karimova*

Sahifalovchi

*Zarnigor To’xtamurodova*

Nashriyot litsenziyasi AI № 160, 14.08.2009 y.

Bosishga 10.02.2020 da ruxsat etildi.

Qog'oz bichimi 70x90  $\frac{1}{32}$ . Ofset qog'ozи  
«Times» garniturasida ofset usulida bosildi.

Shartli bosma tabog'i 4,68.

Nashriyot-hisob tabog'i 4,33. Adadi 2 000.

Shartnoma № 01–20. 55 - Buyurtma raqami.

“O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”

Davlat ilmiy nashriyoti.

100011, Toshkent sh., Navoiy ko‘chasi, 30-uy.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti  
Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar agentligining  
G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa  
ijodiy uyida chop etildi.  
Toshkent, 100128. Labzak ko‘chasi, 86.

K 25    **Karimov, Bahodir.**

**Ikki daho ikki bebaxo** (Bobur va Qodiriy)  
[Matn] / B. Karimov. — T.: “O‘zbekiston  
milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti,  
2020. — 96 bet.

ISBN 978-9943-07-741-6